

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

12/2020

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Хуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджсан КАМИЛОВ
Робахон МАҲМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Акмал МУРОДОВ
Шахноза АХАТОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ

⑤ Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўллўзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига 0026-рақам билан рўйхатта олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош мухаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИКОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган хукукий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-й
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliy@sud.uz
Веб-сайт: www.odilsudlov.sud.uz

Босишга 2020 йил 21 декабрда руҳсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компььютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма –61.
Нашр адади 4625 нусха.

Навбатчи мухаррир
Муталиф СОДИКОВ

ИНДЕКС:
якка тартибдаги обуначилар
учун – 908;
ташиклотлар учун – 909.

Сотувда келишилган нархда

«SILVER STAR PRINT» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: 100 139,
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-дача, 17-үй

ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-таддирлари тўғрисида»ги Фармони.....3

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

А. Ғафуров. Конституциявий суд ишларини юритишни такомиллаштириш масалалари.....6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИННИГ 28 ЙИЛЛИГИ

М. Рустамбаев. Конституция – яшаш хуқуқини кафолатловчи муҳим манба.....11

И. Курбанова. Конституцияда инсон хуқуqlари кафолатларининг асосий принциплари....17

МУЛК ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

Ф. Қаршиев. Умумий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва тасаррuf этилиши.....21

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

Р. Джўраев. Мехнат низолари.....25

МУНОСАБАТ

Х. Абдуганиев. ADR – товар белгилари бўйича низоларни ҳал қилишнинг энг мақбул усули.....29

А. Муҳаммадиев. Медиация – суд хокимиятининг нуфузини ошириш омили.....32

ҲАҚ ЭВАЗИГА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР

У. Маҳмудходжаева. Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмали-ри томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларнинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....35

ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ

У. Базаров. Лизингнинг имкониятлари ҳамда афзал жиҳатлари.....39

МУНОСАБАТ

Ш. Убайдуллаев. Экстремизм ва терроризмга қарши кураш – Марказий Осиё минтақаси-даги тинчлик ва хавфсизлик гарови.....43

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ

С. Джолдасова. Фуқаронинг йўқолган паспортини тиклаш масалалари.....47

СУД ОЧЕРКИ

К. Пансатов, Хонбиби Ҳиммат қизи Маҳамова. Қабрни таҳқирлаган ким?.....50

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....80



ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

СУДЬЯЛарНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА

Мамлакатимизда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, малакали кадрларни танлаш, судьялик касбига тайёрлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, суд тизимида етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган **муносиб кадрларни танлаш** ва лавозимга тайинлаш ҳамда **судьялар фаолиятини холис баҳолаш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмаганлиги** бу борадаги ишлар шаффоғлигининг етарлича таъминланмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, суд ҳокимияти тизимida коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни чукур ўрганиш ва таҳлил қилиш, **коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш тизимини самарали йўлга қўйиш** талаб этилмоқда.

Суд тизимини малакали ва ҳалол пок кадрлар билан тўлдириш, суд органларининг фаолиятида очиқлик ва шаффоғлини таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармо-

ни билан тасдиқланган 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб қуидагилар белгилансин:

судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича касбий фаолиятини ҳар қандай кўринишдаги ташки таъсирлардан самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизmlарни яратиш;

судьяликка кадрларни танлаш, тайёрлаш, лавозимга тайинлаш, шунингдек, судьялар фаолиятини баҳолашда холислик ва шаффоғлини таъминлаш, ушбу жараёнларга замонавий ахборот технологияларини изчил жорий қилиш;

судьялар ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган тизимни йўлга қўйиш ҳамда суд тизимида аниқланган ҳар қандай коррупциявий ҳараткини муросасиз ҳолат деб баҳолаш;

судьяларнинг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали юксак профессионал судьялар корпусини шакллантириш.

2. Судьялар олий кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) ва Олий суднинг қуидаги

Уибӯ Фармон «Халқ сўзи» газетасида 2020 йил 10 декабрда эълон қилинган.

ларни назарда тутувчи таклифлариға розилик берилсін:

а) **2021 йил 1 февралдан** бошлаб суд тизимида коррупция ҳолаттарининг олдини олиш, Кенгаш ва суд тизими фаолиятида очиқлик ва шаффоффлекни таъминлаш борасыда:

илк бор судьялык лавозимлариға номзодларни танлаш бүйича имтихон жараёнларини Интернет тармоғи (веб-сайт) орқали онлайн тарзда ёритиб боришни йўлга қўйиш;

судьялык лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бүйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастурни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

судья фаолиятининг самарадорлигини электрон рейтинг орқали очиқ ва шаффофф баҳолашни таъминлайдиган аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилиши муносабати билан 2021 йил 1 январдан ушбу судларнинг малака ҳайъатларини шакллантириш.

3. Судьяларнинг юридик жавобгарлиги масаласини ҳал этиш пайтида уларнинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига ҳар қандай аралашувнинг олдини олиш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йилдан бошлаб:

судьяларнинг дахлизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Кенгаш раиси томонидан киритилган тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ой мuddатда кўриб чиқилиб, жиноят иши қўзғатилганлиги ёки қўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси томонидан хабар берилади;

судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга

тегишли малака ҳайъатлари розилиги билан йўл қўйилади;

суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар дахлизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ва тизимда коррупцияга қарши курашиш ҳолати юзасидан Кенгаш раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якуни бўйича ахборот тақдим этиб борилади.

4. Кенгашнинг судларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни тизимли равишида бартараф қилиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш борасидаги кўйидаги таклифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган, фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган Кенгаш раисининг ўринbosари лавозимини жорий қилиш;

Судьялар дахлизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси негизида Судьялар дахлизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясини тузиш;

Судьялар касбий тайёргарлигини ташкиллаштириш шўъбасини тугатиш;

Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш шўъбаси негизида матбуот хизмати ва биринчи бўлим, шунингдек, ижро аппарати негизида ахборот-таҳлил, мурожаатлар билан ишлаш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тузилмалари ҳамда архив ва девонхона ташкил этиш;

Кенгашга келиб тушаётган шикоятларни умумлашма таҳлил қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида судьялар малака ҳайъатлари билан биргаликда аниқ чоралар белгилаш вазифасини юклаш;

судьяларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятини рағбатлантиришни йўлга қўйиш, «**Ибратли судья**» муко-

фотини, одил судловни амалга оширишда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб пенси-яга чиқсан судьялар учун «Суд фахрийси» кўкрак нишонини жорий этиш;

Кенгаш хузурида амалдаги моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тавсиявий характерга эга бўлган маслаҳатлар ҳамда судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан сўровларига тушунтиришлар бериш ваколатига эга бўлган жамоатчилик асосида фаолият юритувчи **Судьялар клубини** (кейинги ўринларда – Клуб) ташкил этиш.

Белгилансинки, Клуб ўз фаолиятини Кенгаш томонидан тасдиқланадиган Низом асосида амалга оширади ва унинг доимий масъул аъзолари таркиби кўп йиллик иш тажрибасига, чукур билим ва юксак обрў-эътиборга эга бўлган амалдаги ва фахрий судьялар орасидан шакллантирилади.

5. Кенгаш (Х.Б.Ёдгоров) бир ой муддатда:

Судьялар ассоциацияси (У.Қ.Мингбоев) ва Олий суд (К.Ф.Камилов) билан биргалиқда Клуб ташкил этилиши ва фаолиятини бошлиши бўйича чоралар кўрсин;

«Ибратли судья» мукофоти ҳамда «Суд фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

6. Кенгаш раисининг доимий асосда фаолият юритувчи ўринбосари лавозими жорий этилиши муносабати билан Судьялар олий мактабининг Илмий ва ахборот-таҳлилий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозими тугатилсин.

7. Кенгаш хузурида судьялар ҳамжамияти органи бўлган ва ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадиган судьяликка номзодларнинг Судьялар олий мактабига кириш ва якунлаш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлиб берган мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича имтиҳон комиссияси тузилсин ҳамда унинг қарорлари устидан Кенгашга шикоят қилиш тарти-

би белгилансин.

8. Куйидагилар:

Суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

Судьялар олий кенгашининг янги тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Кенгашда ташкил этилаётган янги тузилмалар ва лавозимларнинг шакллантирилиши Кенгаш тузилмасини мақбуллаштириш натижасида бўшаётган 4 та штат бирликлари ҳисобидан амалга оширилади.


9. Кенгаш (Х.Б.Ёдгоров) Олий суд (К.Ф.Камилов) ва Судьялар ассоциацияси (У.Қ.Мингбоев) билан биргалиқда **бир ой муддатда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда суд органлари тизимида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш масалаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, судьялар ва суд аппарати ходимларида коррупцияга нисбатан муросасизлик иммунитетини шакллантириш борасида комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.**

10. Кенгаш манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Р.Иноятов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Toшкент шаҳри,
2020 йил 7 декабрь*



КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, Конституция ва қонун устуворлиги тамойилини қарор топтириш ва конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг асосий вазифасидир. Зеро, замонавий давлат ва жамиятда инсон ҳуқуқларини судлов йўли билан ҳимоя қилишнинг энг самарали институти конституциявий одил судлов ҳисобланади¹.

2017 йил 31 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий Қонун инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида Конституциявий суднинг ролини оширишда муҳим омил бўлди. Конституциявий судга халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунлар ҳамда конституциявий қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангунига қадар ўрганиш каби янги ваколатлар юкланди. Конституциявий судга кўриб чиқиш учун масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқиш ҳамда конституциявий

судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш каби янги вазифалар юкланди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда конституциявий назорат институтини кучайтириш, уни амалга ошириш механизmlарини такомиллаштиришни тақозо қилувчи, ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Чунончи, конституциявий судлов ишларини юритишнинг ҳуқуқий механизmlари қонунда етарлича тартибга солинмаган, конституциявий шикоят институти мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганинг 27 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарурлигини таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини

«Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, унда Конституциявий судга масалалар киритиш хуқуқига эга бўлган субъектлар доирасини Инсон хуқуqlари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларни киритиш орқали кенгайтириш белгилаб қўйилди.

Мазкур Фармон ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг янги таҳирдаги лойиҳаси тайёрланди ва қонунчилик ташаббуси хуқуки асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. Қонун лойиҳаси ҳозирги кунда мамлакатимиз парламентида муҳокама қилинмоқда.

Ривожланган демократик давлатларда инсон хуқуqlарини ҳимоя қилишда кенг маънода фуқаролар ва юридик шахсларга конституциявий судлов органига шикоят билан мурожаат қилиш сифатида тушуниладиган конституциявий одил судловга эга бўлиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, инсон хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун фуқароларга конституциявий судга шикоят билан мурожаат қилиш хуқуқини таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

Конституциявий шикоятнинг мазмунни ва моҳияти фуқароларнинг конституциявий назорат органига хуқуқ ва эркинликларини бузайтган қонуннинг конституциявийлигини текшириш талабида намоён бўлади. Конституциявий шикоят инсти-

тути суд ҳимоясигина эмас, балки қонун ҳужжатлари сифати ва самарадорлигини оширишга ҳамда конституциявийлигини таъминлашга таъсир қиладиган хуқуқий воситадир.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий Қонун янги таҳирдаги лойиҳасида фуқаролар ва юридик шахслар томонидан Конституциявий судга шикоят бериш хуқуқини мустаҳкамлаб қўйилганлиги мазкур Қонуннинг энг муҳим янгилиги дейиш мумкин.

Хорижий мамлакатлар конституциявий судлари тажрибасидан келиб чиқиб, муайян ишда қўлланилган қонун билан хуқуqlари бузилганлиги юзасидан фуқаролар ва юридик шахслар Конституциявий судга мурожаат қилиш хуқуки доираси аниқ белгилаб қўйилмоқда. Фуқаролар ва юридик шахслар Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин:

агар қонун фуқаро ёки юридик шахснинг конституциявий хуқуqlарини бузайтган бўлса;

муайян ишда қўлланилган ва ишнинг судда кўриб чиқилиши тугалланган бўлса.

Яъни, фуқаролар ва юридик шахслар фақат қонун билан уларнинг конституциявий хуқуqlари бузилганлиги юзасидан шикоят қилишлари мумкин. Бундай шикоятлар суднинг барча бошқа ҳимоя чоралари қўлланилган, ишни кўриб чиқиш тугаган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай берилади.

Шунингдек, Конституциявий судга мурожаат қилиш хуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилмоқда. Амалдаги Қонунда 11 та субъект Конституциявий судга масала киритиш хуқуқига эга бўлса, Қонун лойиҳаси билан 14 та субъектга шундай хуқуқ берилмоқда. Жумладан, Конституциявий судга мурожаат қилиш хуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига қуйидагилар киритилмоқда:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринbosари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакили.

Мазкур субъектларнинг конституциявий назорат субъектлари доирасига киритилиши, шубҳасиз, Конституциявий суднинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш соҳасидаги ролини янада оширишда муҳим омил бўлади.

Хорижий мамлакатлар конституциявий судларида Конституциявий суд судьялари томонидан масала киритиш амалиёти учрамайди. Шу боис, Конституциявий суд судьяларининг ташаббуси билан масала киритиш ҳуқуқи бекор қилиниши режалаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, кўриб чиқилаётган масалага нисбатан судьяларнинг холислигини таъминлашга хизмат қиласди.

Конституциявий суд фаолият юритадиган аксарият мамлакатларда судьялар таркиби 9 нафар, айрим ахолиси кўп ёки федератив тизимиға эга бўлган давлатларда эса судьялар 12 дан 19 нафаргача бўлган таркибга эга. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди таркиби етти нафар судьядан иборат. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, шунингдек конституциявий шикоят институтининг жорий этилиши муносабати билан Конституциявий суд таркибини 9 нафар судьядан иборат этиб белгилаш назарда тутилган.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигига оид халқаро стандартларга мувофиқ Конституциявий суд судьяларининг мустақиллиги уларнинг ваколат муддатига ҳам боғлиқ ҳисобланади. Хорижий мамлакатлар қонун-

чилигида судьялар 6 йилдан 12 йилгacha бўлган муддатга бир ёки икки марта сайланиши белгиланган. Масалан, Арманистонда Конституциявий суд судьяси бир марта 12 йилга, Белорусда – қайта сайланниш ҳуқуқи билан 11 йилга, Германияда – бир марта 12 йилга, Кореяда – икки марта 6 йил, Бельгия ва Россияда эса муддатсиз даврга сайланади.

Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция суди судьяларининг ваколат муддатларига мутаносиб равишда Конституциявий суд судьясининг ваколати муддатини биринчи марта сайланганида беш йил, иккинчи марта сайланганида ўн йил этиб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, айни бир шахс икки мартадан ортиқ Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги амалдаги норма сақлаб қолиниши лозим.

Немис олими А.Бланкенагелнинг таъкидлашича, конституциявий судлов ишларини юритишда қатъий қоидалар ўрнатилиши мақсадга мувофиқ эмас, ҳеч қандай процессуал нормаларда назарда тутилмаган вазиятлар юз бериши мумкин, бундай ҳолларда Конституциявий суд ўзи мустақил ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиши керак².

Дарҳақиқат, конституциявий судлов ишларини юритишнинг процессуал жиҳатлари фуқаролик, жиноят ва маъмурий судлов процессуал қонунчилигидаги каби батафсил тартибга солинмаган. Конституциявий суд судлов ишларини юритиш орқали мамлакатда конституциявий назоратни амалга оширади. Конституциявий судлов ишини юритишнинг мақсади ишнинг фактик ҳолатини аниқлаш эмас, балки ҳуқуқий масалани кўриб чиқиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг бир қисмини Конституция норма ва принципларига мослиги нуқтаи назаридан текширишдан иборат.

Конституциявий судда иш юритишинг процессуал қоидалари Конституциявий суднинг ўзи томонидан тасдиқланган Регламент билан белгиланган. Хорижий мамлакатлар амалиётида процессуал қоидалар қонун билан тартибга солинган.

Таъкидлаш жоизки, иш юритишинг процессуал қоидалари бевосита инсон ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ ва шунинг учун ҳам бундай нормалар қонун даражасида белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунга кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг янги таҳирдаги лойиҳасида конституциявий судлов ишларини юритишинг процессуал қоидалари тартибга солинмоқда.

Конституциявий суд фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига амал қилган ҳолда ишларни кўради. Суд ишларини юритиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устунлиги принципи, қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устунлигига оид конституциявий принцип ва нормалар асосида амалга оширилади.

Қонун лойиҳасида Конституциявий судга мурожаат қилиш, мурожаатни дастлабки кўриб чиқиш, ишни кўриб чиқиш учун қабул қилиш, Конституциявий суд ишларини юритишинг иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд муҳокамаси, суд мажлиси баённомаси, процессуал муддатлар, суд чиқимлари ва харажатларни қоплаш тартиби, айrim турдаги ишлар бўйича иш юритишинг хусусиятлари каби процессуал нормалар ўз аксини топган.

Шунингдек, Конституциявий судда ишларни кўриб чиқиш муддатлари аниқ белгилаб қўйилмоқда. Агар мурожаат белгиланган талабларга жавоб берса, Конституциявий суд уни олинган қундан бошлаб

етти қунлик муддатдан кечиктирмай ўрганишга киришади. Конституциявий судда кўриб чиқилаётган иш юзасидан қарор тегишли мурожаат олинган пайтдан бошлаб кечи билан уч ой ичидаги қабул қилинади.

Айни пайтда алоҳида тоифадаги ишларни кўриш ва қарор қабул қилиш муддати қисқа бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишлар бўйича Конституциявий суд тегишли ҳужжатларни қабул қилган қундан бошлаб кечи билан ўн беш кун ичидаги қарор қабул қиласди.

Конституциявий судда ишларни кўриб чиқиш учун асос бўлиб ваколатли давлат органлари, мансабдор шахсларнинг мурожаати, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг шикояти ҳисобланади.

Конституциявий суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади. Тарафлар кўриб чиқилаётган иш юзасидан далиллар тақдим этиш, илтимосномалар баён этиш, фикрлар билдириш, ўз нуқтаи назарини химоя қилиш бўйича тенг ҳуқук ва имкониятлардан фойдаланади.

Конституциявий суд маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг нормаларига расмий шарҳ бериш тўғрисидаги ишларни ёзма ҳужжатлар асосида оғзаки эшитувлар ўтказмасдан кўриб чиқиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Конституциявий суд конституциявийлиги

шубҳа туғдирган аниқ норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан қарор қабул қиласи. Конституциявий суд норматив-хуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириб, текширилган ҳужжаттага асосланган ёхуд унинг қоидаларини тақрорлайдиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар хусусида ҳам, гарчи Конституциявий судга киритилган мурожаатда улар тўғрисида сўз юритилмаган бўлса-да, бир вақтнинг ўзида қарор қабул қилиши мумкин.

Қонун лойиҳасида Конституциявий суднинг қарори қатъий ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги императив норма мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Конституциявий суднинг қарори билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топилган норматив-хуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми ўзининг амал қилишини тугатади.

Шунингдек, Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган норматив-хуқуқий ҳужжат асосида қабул қилинган давлат органларининг қарорлари ҳам ҳакиқий эмас деб ҳисобланади. Бинобарин, давлат органлари, мансабдор шахслар Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган норматив-хуқуқий ҳужжатни қўллаш, фуқаролар эса унга риоя қилиш мажбуриятидан озод бўлади.

Маълумки, «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги» Қонуннинг 43-моддасига мувофиқ Конституция ва қонун нормаларини шарҳлаш уларда ноаниқликлар топилган ва шу сабабли уларни нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланиш амалиёти шаклланган тақдирда амалга оширилади. Шарҳлаш жараёнида улар

нормаларини аниқлаштиришга қаратилган тузатишлар, ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш ҳақидаги мурожаатда уларда ноаниқликлар мавжудлиги, ва шу сабабли улар амалиётда нотўғри ёки зиддиятли қўлланилаётганлиги ҳақидаги важ ва далиллар кўрсатилиши талаб этилади. Бундай ишларни кўриб чиқиши яқунлари бўйича Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормасига расмий шарҳни ўз ичига оладиган қарор қабул қиласи.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатимизда конституциявий назоратни кучайтиришга, қонунийликни мустаҳкамлашга, конституциявий судлов ишларини юритишни такомиллаштиришга ва пировард натижада фуқароларнинг Конституцияда белгиланган хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қиласи. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга тўғридан тўғри мурожаат қилиш хуқуқини берилиши мамлакатни янада демократлаштириш, инсон хуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш йўлида қўйилган жиддий қадам бўлади.

А. ФАФУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди раиси
ўринбосари, юридик
фанлар номзоди

¹Сайдов А. Х. «Контроль за конституционностью нормативно-правовых актов законодательной и исполнительной власти – важный механизм защиты прав и свобод человека». //Хокимият тармоқларининг бўлиниш принципини амалга ошириш ва инсон хуқуqlарини ҳимоя қилишда конституциявий суднинг роли: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Baktria press, 2016. – 37-43, 37-б.

²Қаранг: Бланкель А. Российский Конституционный суд: видение собственного статуса // Конституционное право: восточноевропейское обозрение. 1994. № 2. – С. 35.

КОНСТИТУЦИЯ – ЯШАШ ҲУҚУҚИНИ КАФОЛАТЛОВЧИ МУҲИМ МАНБА

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш энг устувор масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари га амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят эканлиги белгилаб қўйилган.

Ҳар бир инсон ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Шунга мувофиқ инсоннинг барча табиий ва узвий ҳуқуқлари орасида яшаш ҳуқуқи биринчи даражали ўринга эга. Шахснинг яшаш ҳуқуқи – бу инсоннинг туғилиши билан вужудга келадиган, факат ўзининг биологик мавжудлигини таъминловчи ҳамда давлат томонидан муҳофаза этиладиган ҳуқуқдир.

Яшаш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Аҳолини сил қасаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида», «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида», «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида», «Йод етишмаслиги қасалларни профилактикаси тўғрисида», «Одам савдосига қарши қурашиш тўғрисида», «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган

қасаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши қурашиш тўғрисида», «Озиқовқат махсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Суғурта тўғрисида», «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги каби қонунлар қабул қилинди.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсон ва индивиднинг бирламчи ҳуқуқидир. Инсоннинг яшашга бўлган ҳуқуқининг мустаҳкамланиши давлатда демократиянинг қай дарражада ривожланганлигини белгиловчи асосий мезон ҳисобланади. Айнан, барча ҳуқуқлар тизимида яшаш ҳуқуқининг аҳамияти катталиги унинг мутлақ мазмун касб этишини билдиради. Шунинг учун инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқи сифатида тан олинади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги қатъий белгилаб қўйилган. Ушбу қоидага ҳамоҳанг тарзда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституциямизда яшаш ҳуқуқининг мустаҳкамланиши давлат томонидан уни кўриқлаш ва ҳимоя қилишнинг кучли механизмини яратишни талаб қиласди. Бу борадаги тадбирлар нафақат жиноятчиликнинг олдини олиш ёки жиноятга қарши қурашиш натижасидаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятини, балки ижтимоий соҳада ҳам инсон ҳаётининг таъминлани-

шини ўз ичига олади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уни зарурий ҳуқукий кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини турли тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймаслик каби масалалар устуворлик касб этди.

Биринчи бор яшашга бўлган ҳуқуқ юридик жиҳатдан 1776 йил 4 июнда қабул қилинган АҚШ Мустақиллик Декларациясида мустаҳкамланган. Унда барча одамларнинг тенглиги, яшаш, эркинлик, шахсий баҳтга эришиш ҳуқуки эълон қилинган¹.

Аввалги давлатчилик ва давлат фаолиятининг мақсадлари моҳиятидан келиб чиқиб, ушбу қоида бир неча аср ўтган бўлса-да, бирон-бир давлатнинг конституциявий ҳужжатларига киритилмади. XVIII ва XIX асрларда қабул қилинган конституцияларда яшаш ҳуқуки назарда тутилмаган бўлиб, уларда инсоннинг бошқа шахсий ҳуқуқларига алоҳида эътибор берилди. Яшаш ҳуқуки орадан анча вақт ўтгач, баъзи бир давлатлар: Финляндия (1919 й.), Португалия (1933 й.), Ирландия (1937 й.) давлатларининг конституцияларига киритилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуqlari умумжаҳон Декларациясида яшаш ҳуқуқининг халқаро миёсда тан олингандиги мазкур ҳуқуқнинг XX асрнинг иккинчи ярмида қатор давлатлар, жумладан, ГФР (1949 й.), Испания (1978 й.) конституцияларига киритилишига туртки берди.

1966 йил 19 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддасига кўра,

яшаш ҳуқуки ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза қилинади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, Конституциямизда Инсон ҳуқуqlари умумжаҳон декларациясининг асосий принциплари ўз аксини топган.

Яшашга бўлган конституциявий ҳуқуқнинг мустаҳкамланиши ҳуқуқни амалга оширишнинг ташқи механизми ва муҳофаза қилинишининг кафолатланишидан иборатdir. Яшашга бўлган ҳуқуқ қуидаги конституциявий нормаларда ўз аксини топган:

биричидан, мазкур ҳуқуқни бевосита мустаҳкамловчи конституциявий нормалар (Конституциянинг 24-моддаси);

иккинчидан, ушбу ҳуқуқни таъминлашнинг асосий шартлари шакллантирилган конституциявий нормалар. Бунга барча конституциявий нормалар киритилиши мумкин, чунки улар конституциявий тузум, давлатнинг тузилиши ва сиёсати, инсон ва давлат муносабатларини тартибга солади, уларнинг барчаси ҳаётга бўлган ҳуқуқни таъминлаш учун зарурдир;

учинчидан, ушбу нормаларда фуқароларнинг маҳсус ҳуқуқлари шахснинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, шунингдек барча табиий ҳуқуқлари мустаҳкамланган бўлиб, улар ҳам кафолат бўлиб хизмат қиласи.

Ўлим жазоси демократия ва инсон ҳуқуқларига зиддир. Ҳеч бир давлат, ҳеч бир шароитда, ҳеч бир сабабларга кўра инсонни унинг узвий ва табиий ҳуқуки – яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳақли эмас. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг кўп давлатларида ўлим жазоси қонунда ёки амалда бекор қилинган. Ушбу жазо бекор қилинган ёки ўлим жазосини тобора кам

кўллаётган давлатлар сони кўпаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадриятдир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, тоталитаризм даврининг Жиноят кодексида ўттиздан ортиқ жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган эди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритганидан сўнг, конституциявий тузумнинг тубдан ислоҳ қилиниши учун имконият туғилди. Ушбу янги ҳуқуқий сиёsat, жумладан, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш зарурятини вужудга келтирди. Мустақил давлатнинг янги Жиноят кодексини ишлаб чиқиш масаласи кечиктириб бўлмайдиган вазифалар қаторидан ўрин олди. Бу Кодекс янги ижтимоий-иқтисодий тизимда юзага келаётган ижтимоий-сиёсий вазиятни, шунингдек ўз суверен ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий негизини ташкил этиши лозим эди.

Табиийки, амалдаги Жиноят кодекси концепциясини яратиш вақтида ўлим жазоси масаласи ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири эди ва у жиноятчиликка қарши кураш стратегияси концепциясига мувофиқ ҳал қилинди.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги яшаш ҳуқуқининг дахлсиз эканлиги белгилangan қоидалардан келиб чиқиб, шунингдек жиноий жазоларни янада либераллаштиришга қаратилган муайян тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»-ги Фармонига кўра ўлим жазоси жиноий жазо тури сифатида 2008 йил 1 январдан эътиборан бутунлай бекор қилинди ва

у узок муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди. Бу Фармонга мувофиқ 2007 йил 11 июлда «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Шундай қилиб, ўлим жазосини кўллаш соҳасининг нафақат қонунчилик, балки қонун ҳужжатларини амалда ижро этиш даражасида ҳам торайиши, шунингдек унинг бутунлай бекор қилиниши инсонпарварлик, инсоннинг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манбаатларининг янада ошгани, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажарганлигини қайд этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига биноан, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бежизга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Баш Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида судларнинг чинакам мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлигига алоҳида тўхталиб ўтмади².

Мазкур конституциявий ҳуқуқлар умумэътироф этилган халқаро-ҳуқуқий андозаларга тўла мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси (Рим, 1950 йил 4 ноябрь)-нинг 2-моддасига кўра, ҳар бир шахснинг яшаш ҳуқуқи қонун билан муҳофаза қилинади. Ҳеч ким жиноят содир этганлик учун суднинг қонунга мувофиқ чиқарилган ўлим жазосини кўллаш хақидаги ҳукмсиз ҳаётдан маҳрум эти-

лиши мумкин эмас.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда жиноят билан боғлиқ қонунларнинг инсонпарварлашувига эътибор тобора кучайиб бораётганлиги муносабати билан ўлим жазосидан воз кечиш муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Аммо, баъзи давлатларда ўлим жазоси ҳанузгача амалда қўлланилиб келинмоқда.

Европада ўлим жазосини бекор қилиш масаласи XVIII аср охирида кўтарилини ва фақат XX аср ўрталарида узил-кесил ҳал қилинди, янги тарихда ўлим жазоси биринчи марта қонун ҳужжатларидан чиқариб ташланган АҚШда эса бу жазо ҳанузгача бекор қилингани йўқ. Ҳозирги вақтда АҚШнинг 28 та штатида ўлим жазоси қўлланилиб келинмоқда. Мисол учун, 2018 йилда Кўшма Штатларда 25 та ўлим жазоси ижро этилган³.

Мавжуд маълумотларга кўра, 2017 йилда Хитой, Эрон, Саудия Арабистони, Ироқ ва Покистон қатллар сони бўйича етакчи бешта мамлакат қаторига кирган⁴.

Кўпгина мусулмон мамлакатларида тош отиш ҳанузгача мавжуд. Баъзи ҳолатларда Сомали, Яман, Судан, Эрон, Саудия Арабистонида мазкур жазо чораси қўлланилиб келинмоқда. Масалан, Эронда расмий амалда осиш билан биргаликда, жарликдан улоқтириш жазоси ҳам қўлланилади⁵.

Европада ҳали ҳам Беларусь Республикаси ўлим жазоси қўлланиладиган ягона давлат ҳисобланади. Беларусь Республикаси Конституциясида (24-модда) келтирилишича: «Ўлим жазоси унинг бекор қилингунига қадар қонун доирасида қўлланилади, жуда оғир жиноятлар учун истисно жазо сифатида ва фақат суд хукмига биноан». Ўлим жазоси аёллар, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга ва жазо куни олтмиш беш ёшга тўлган эркакларга тайинланиши мумкин эмас.

Инсонларнинг яшаш хуқуқини химоялаш мақсадида аҳолининг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Гэллап тадқиқот маркази томонидан 2018 йил октябрь ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, америкаликларнинг 56 фоизи ўлим жазосини қўллаб-куватлаган, 44 фоизи ўлим жазосига қарши чиқишиган. Пью Тадқиқот маркази томонидан ўтказилган сўровномада ҳам шунга ўхшаш маълумотлар кўрсатилган: 54 фоиз иштирокчилар ўлим жазосини қўллаб-куватлаган, 46 фоизи эса ўлим жазосига қарши чиқишиган⁶.

Эътиборлиси, «Quinnipiac» тадқиқот маркази томонидан ўтказилган сўров натижаси шуни кўрсатдики, жамоатчиликнинг кўпчилик қисми ўлим жазосининг қўлланишига мутлақо қарши (71 фоиз)⁷.

Ўлим жазоси институтининг мавжудлиги жамиятда инсонийликнинг йўқолишига олиб келади. Ўз-ўзидан равшанки, Ўзбекистон жиноят хуқуқининг ривожланиши тарихини ўрганиш, бу жазонинг бекор қилиш йўналишидан борилганлигини кўрсатади. Мамлакатимизда ўлим жазосини дарҳол бекор қилиш учун зарур шарт-шароит етарлими ёки мамлакат бу қадамни ташлашга тайёр бўлиши учун маълум вақт ўтиши керакми? деган масала яқин вақтгача баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келди. Унинг вақтидан аввал бекор қилиниши салбий оқибатларга сабаб бўлиши, бу эса ўлим жазосини бекор қилишни обрўсизлантириши ёки хатто чет мамлакатларнинг жиноят қонунчилигига кўп карра кузатилган мазкур жазони тиклаш заруриятини вужудга келтириши мумкин эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, «инсонни фақат жазолаш билан, фақат репрессив усувлар билан тарбиялаб

бўлмайди. Инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат қилиши, авваламбор, жиноий ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омилларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак»⁸.

Баъзи бир мутахассислар ўлим жазоси қўлланилмайдиган мамлакатларда одам ўлдириш мазкур жазо тури мавжуд бўлган давлатлардагидан бир неча баравар камроқ эканлигини ҳам қайд этадилар.

Ҳозирги вақтда барча мамлакатларда жиноятчиликнинг ўсиши бутун жаҳонда кузатилаётган криминологик кескинликнинг кучайиши билан боғлиқdir. Жумладан, сўнгги 30-40 йил ичida жиноятчилик АҚШда 7-8 баравар, Буюк Британияда – 6-7 баравар, Францияда – 5-6 баравар ўстган. Шундай қилиб, давлатнинг жиноят-хуқуқий сиёсати воситаси сифатида қонунда ўлим жазосининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги жиноятчиликни тийиб туришга сезиларли даражада таъсир кўрсатмайди.

Ўзбекистонда охирги йилларда инсонларнинг яшаш хукуқини амалга ошириш орқали юзага келадиган бошқа хукуқларни кафолатлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган «Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 21 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самародорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 30 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ва бошқа қонун ҳужжатла-

рини бунга бевосита мисол қилиб кўрса-тишимиз мумкин.

Ушбу фармонларнинг эътиборга молик жиҳати сифатида, инсон хукуқларининг устуворлигини эътироф этган ҳолда, фуқаролар хуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, ахолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш асосий мезон сифатида олинган.

Ўзбекистон Республикасининг ўлим жазосини қўллашга доир жиноят сиёсати жаҳонда кечеётган жараёнларга тўла мос бўлиб, мамлакатнинг Асосий Қонунида мустаҳкамланган инсонпарварлик ва одиллик принципларини ўзида тўла акс эттиради.

Инсон хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасини ўрганиш шундан далолат берадики, демократик ислоҳотларни янада чукурлаштиришга, эркин фуқаролик жамияти ва демократик хукуқий давлатни барқарор ривожлантиришга тўсик бўладиган баъзи муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Булар, биринчидан, инсон хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни таъминлашнинг конституциявий хукуқий механизми ва процедураларини тартибга солишда, инсон хукуқлари бўйича халқаро стандартларни қонунчиликка ва хукуқни қўллаш фаолиятига имплементация қилишда маълум бўшлиқларнинг мавжудлиги; иккинчидан, инсон хукуқини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни олиб боришда парламент, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро мувофиқлаштириш ишларининг сустлиги; учинчидан, инсон хукуқи бўйича таълим ва тарбия ишлари, инсон хукуқи соҳасида халқаро мажбуриятлар масалалари бўйича давлат органлари ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш-

нинг етарли тарзда йўлга қўйилмаганлиги ва ҳоказолар.

Инсонларнинг яшаш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида қўйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

биринчидан, инсоннинг яшаш, соғлигини сақлаш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга хизмат қиласидиган Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол саватчаси тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш лозим. Ушбу Қонун бугунги кун реал ҳаётни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва шу асосда базавий ҳисоблаш миқдори ҳам белгиланиши лозим;

иккинчидан, инсон ҳуқуқини амалда таъминлашда ушбу соҳа бўйича билим ва кўниkmaga эга бўлиш, кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш кўзланган самарани беради. Шу мақсадда мамлакатимизнинг барча олий таълим мусассасаларида «Инсон ҳуқуқи» фанини ўрганишни йўлга қўйиш лозим;

учинчидан, яшаш ҳуқуқини таъминлаш механизмининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, унинг мазмунини аниқлаштириш ва муфассал очиб бериш учун соҳага оид қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши лозим. Шу муноса-

бат билан амалдаги соҳага оид қонун ҳужжатларига, фикримизча, айниқса, Жиноят кодексига, «Жиноят ҳуқуқи» фанининг ҳозирги ютуқларини ҳисобга олиб, инсон ҳаёти билан боғлиқ суиистеъмолликлар содир этилиши мумкинлигини (айниқса, тиббиётдаги – реанимация, трансплантация, репродукция ва х.к.) эътиборга олиб, янги жиноят турлари учун жавобгарлик киритилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя демакдир. Шубҳасиз, Конституциямиз демократик ва умуминсоний қадриятлар юксак даражада қадрланаётган мустақил давлатимида инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга бевосита хизмат қиласи.

**М. РУСТАМБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Ҳарбий-техник институти
бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган юрист, юридик
фанлар доктори, профессор**

¹Қаранг: Конституция и законодательные акты буржуазных государств XVII-XIX вв. –М., 1957. 167-б.

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. www.aza.uz.

³Степанова О.Ю. Смертная казнь в США\\ Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России № 2 (82) 2019.

⁴<https://news.un.org/ru/story/2018/10/1340312>.

⁵<https://vz.ru/question/2019/7/26/989513.htm.l>.

⁶http://www.thefullwiki.org/Capital_punishment_in_the_United_States.

⁷<https://www.cbsnews.com/news/connecticut-governor-signs-death-penalty-repeal/>.

⁸Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тарақкий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. //Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2017 йил 8 декабрь.

КОНСТИТУЦИЯДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ҚАФОЛАТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг хуқуқий пойдевори бўлмиш Конституция қабул қилинганига йигирма саккиз йил тўлди. Асосий Қонунимиз ўтган давр мобайнида янги демократик хуқуқий давлатни шакллантириш ҳамда фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг қонуний замини бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Конституция мустақил Ўзбекистон Республикаси қарор топганлигини қонунлаштири ва олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг мақсадини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик ўналишларини белгилаб берди. Шунингдек, Асосий Қонунда шахснинг мустақиллиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, мулкдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳалардаги демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланган ва унда фуқаролар хуқуқ ва эркинликлари қафолатланган ҳамда маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб қўйилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ёқ хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида Ўзбекистон ўзининг «ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт йўлини танлаб олди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиш режасини ишлаб чиқди. Миллий хусусиятлар ва анъаналарни инобатга олган ҳолда демократик хуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш,

бозор муносабатларига ўтиш, мустақил давлат манфаатлари устуворлигига ва тенг хуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатнинг аниқ принципларини ва йўналишларини белгилаб олди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва давлатнинг хуқуқий ҳолатини белгилашда инсон хуқуқлари устуворлиги, давлат билан фуқаронинг ўзаро сиёсий-хуқуқий масъуллиги принципларига асосланувчи тамомила янги концепцияга таянган бўлиб, унда илк бор инсон хуқуқлари категорияси конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу тариқа инсон хуқуқларининг янги концепцияси ўзбек конституциявий қонунчилигига ўз юридик тасдиғини топган бўлиб, улар Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий хуқуқий мақоми сифатида муайян принципларга таянади. Ушбу принциплар универсал хусусиятга эга бўлиб, улар қаторига қўйидагилар киради:

Биринчидан, инсон ва фуқаронинг хуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлари тенглик ҳамда тенг хуқуқлилик асосида амалга оширилади. Бу принцип Конституцияда уч жиҳатдан таърифланган: барча фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги; фуқаролар хуқуқ ва эркинликларининг тенглиги; эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг хуқуқлилиги;

Иккинчидан, конституциявий хуқуқ ва эркинликларнинг кафолатланганлиги принципи. Жумладан, Асосий Қонуннинг 2-моддасида ёзилишича, давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

учинчидан, яна бир муҳим принциплардан бири, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланишига йўл қўйилмаслиги. Мазкур принцип инсонга туғилишидан табиатан тегишли бўлган унинг ажralmas ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан тан олинишидан келиб чиқади. Давлат фуқароларнинг конституцияий ва қонуларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди (43-модда). Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат жамият ҳамда давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан, аҳолининг сиҳат-саломатлиги, ҳалқнинг ахлоқи ва маънавияти, ижтимоий тартибот манфаатлари нуқтаи назаридан гина қонунда белгиланган даражада чекланиши мумкин. Аммо, фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи, шахсий қадр-қимматини муҳофаза этиш ҳуқуқи, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи, виждан эркинлиги ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, кабилар чекланиши мумкин эмас;

тўртинчидан, фуқароларга бериладиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги принципи. Шахс нафақат муайян ҳуқуқ ва эркинликлар эгаси балки, мажбуриятлар соҳиби ҳам ҳисобланади. Турли-туман ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлмиш фуқаро фақат ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиб қолмасдан, жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдида муайян мажбуриятлар ҳам ўтайди.

Конституциянинг 20-моддасига кўра, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Конституция инсон (фуқаро) билан давлатнинг ўзаро муносабатлари кўламини, ижтимоий ҳаёт асосий соҳаларига давлат аралашувининг чегараси ва характеристини белгилаб берди. Мамлакатимизда Асосий Қонунимизга таянган ҳолда Олий Мажлис томонидан бир қанча қонулар қабул қилинди. Ана шу қонуларнинг мазмун ва

моҳиятига кўра, инсон давлат механизмининг фаол иштирокчиси, жамиятнинг эзгу тилаги ва олий қадриятидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Конституциянинг 13-моддасида инсон қадри қуидагича ўз ифодасини топган: Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. 19-моддасида эса, фуқароларнинг Конституция ва қонуларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги таъкидланган. Ана шу талабнинг ижроси сифатида мамлакатимизда «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши, 2008 йил 1 январдан бошлаб эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга берилганлиги Конституцияда назарда тутилган нормаларга тўлиқ мос келади. Амалдаги қонунларга кўра, бу жараён томонларнинг ўзаро тортишуви таъминланган ҳолда амалга оширилади. Яъни, судда гумон қилинаётган шахсга ўзини ҳимоя қилишга барча шароитлар яратилди. Конституция 80-моддасининг 10-бандига ҳамда 93-моддасининг 23-бандига асосан, анъанавий тарзда қабул қилинаётган амнистия актлари ҳам мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган демократик ислоҳотлар амалга оширилаётганлигининг ёрқин далилидир.

Конституциямизнинг 25-моддасида эса, «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», дейилган. Ҳақиқатан ҳам, ҳаёт инсонга Аллоҳ таоло томонидан баҳшида этилган энг буюк неъматлардан биридир. Ундан маҳрум этиш эса инсонпарварликка зиддир. Жиноий жазони либе-

раллаштириш борасидаги муҳим ютуқларимиздан бири, мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан жиной жазо сифатида ўлим жазоси бекор қилинди. Унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қилувчи умумэътироф этилган халқаро таомойиллари ва меъёрларидан келиб чиқсан Бosh Қомусимизнинг 24, 25-моддалари талабларига тўлиқ мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган иккинчи бўлими «Инсон ҳуқуқлари умумжахон Декларацияси»нинг барча принцип ҳамда қоидаларига тўлаттўқис мос келиб Декларацияда кўрсатилган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ўз ифодасини топган. Масалан, Конституциянинг инсон (фуқаро) ҳуқуқи, эркинлиги ва бурчларига оид умумий қоидалар (18-22-моддалар); шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар (24-31-моддалар); фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари (32-35-моддалар); иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар (36-42-моддалар); инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қафолатлари (43-46-моддалар) ҳуқуқий мустаҳкамланган. Агар умумий қоидаларни ҳисобга олмаганда Асосий Қонунимизнинг 23 та моддасида (яъни, 24-46-моддалар) инсон ва фуқароларнинг эркинликлари эътироф этилган. Конституциянинг олтида моддасида эса (47-52-моддалар) фуқароларнинг бурч ҳамда мажбуриятлари ифодаланган.

Маълумки, Конституциявий ҳуқуқ мақоми тизимида сўз ва эътиқод эркинлиги муҳим ўрин тутади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини либераллаштиришга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Лекин, ҳар қандай демократик жамиятда демократиянинг бу шартлари амалдаги қонунларга асосан,

ўз чегара меъёр ва мезонларига эгадир. Масалан, фикр билдириш, сўз эркинлигини қафолатлаш билан бир қаторда урушни тарғиб қилиш, миллий ва диний адоват уйғотишни келтириб чиқарувчи тарғибот ва ташвиқот юритиш чекланади. Конституциямизнинг 29-моддасида «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга» дейилган. Шунингдек, бу модда ўзининг қуйидагича мантикий давомига эга: «Ҳар ким ўзи истаган ахборотни олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир».

Конституциямизнинг мазмуни ва моҳијати, маънавият ва маърифат масалалари, миллий истиқбол мафкураси ғоялари билан ҳамоҳанглигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Конституция ва миллий мафкура, хусусан ҳуқуқий мафкура ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Конституция - ҳуқуқий тизим ўзаги, унинг бошқа барча унсурларини, яъни манбаларини уюштирувчи, баҳамжиҳат этувчи ва ҳаракатлантирувчи маркази бўлса, миллий ҳуқуқий мафкура - унинг ғоҳий асосини, таркиби бўғинларини мазмунан озиқлантирувчи ҳамда ягона мақсад сари йўналтирувчи манбадир. Шундай экан, мамлакатимиз Конституцияси миллий ғоя ва миллий мафкуранинг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Маълумки, XXI аср – ахборот ва технологиялар асли. Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуки ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади». Ҳақиқатан ҳам оммавий ахборот воситала-

ри соҳасини такомиллаштириш бўйича ташкилий-хуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди ва бугунги замон талабларига мос келадиган оммавий ахборот воситаларига тааллуқли қонунчилик базаси яратилди.

Конституциямизда эътироф этилган яна бир асосий масала – бу инсоннинг шахсий хуқуқидир. Конституцияга кўра инсон, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-киммати, хуқуқ эркинликлари – олий қадрият ҳисобланади. Инсон хуқуқ ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш давлатнинг асосий мажбуриятидир. Асосий моҳиятини хуқуқ ва мажбуриятлар ташкил этган шахснинг хуқукий мақоми қонунчиликнинг барча соҳалари билан мустаҳкамланган.

Асосий Қонунимизда шахсий хуқуқлар билан бирга фуқароларнинг сиёсий хуқуқлари хам қонуний мустаҳкамланган. Сиёсий ва мафкуравий хурфикрлик (плюрализм) демократик фуқаролик жамиятининг муҳим хусусияти бўлиб, шахснинг эркинлиги, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигини, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлашга хизмат қиласи. Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири – мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш, эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган сиёсий маданиятини шакллантиришдан иборат.

Конституциянинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири, фуқароларга берилган ижтимоий хуқуқларининг қонуний мустаҳкамланганлигидир. Асосий Қонунимизнинг 39-моддасида «Ҳар ким қариганида, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш хуқуқига эга», деб белгилаб қўйилган. Хусусан, парламентимиз томонидан қабул қилинган Ўз-

бекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги ва бошқа шу каби қонунлар фуқароларнинг ижтимоий хуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асослари бўлиб хизмат қилмоқда.

Бош Қомусимизда қонуний мустаҳкамлаб қўйилган яна бир муҳим масала – фуқароларнинг иқтисодий хуқуқларини самарали муҳофаза этиш. Бозор иқтисодиётининг хуқукий заминини яратиш манфаатларидан келиб чиқиб, Конституция хусусий мулк даҳлизлиги ва унинг давлат томонидан қўриклинишини (53-модда) ҳамда ҳар кимнинг мулкка эгалик қилиш хуқуқини (36-модда) мустаҳкамлади. Хусусий мулкчиликнинг расман тан олиниши иқтисодий фаолият эркинлигини, тадбиркорликни қўллаб-куватлаш имкониятини яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Асосий Қонунимизнинг муқаддимасидан охирги моддасигача мустақиллик, демократия, инсон хуқуқлари ва ватан равнақи ғоялари тараннум этилган. Конституциямиз туфайли жамиятимиз ҳаётига ва унинг ижтимоий онгига дунё цивилизациясининг замонавий янги демократик қадриятлари, тамойиллари ва ғоялари кириб келди. Булар, энг аввало, суверен давлатчилик ва хуқукий демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш ғояларидир.

Хуллас, жамиятимиз ҳаётининг қайси жабҳасини олмайлик, Конституциямиз хуқукий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳар бир шахснинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, хуқукий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимиз Конституциясининг асосий мақсадидир.

И. КУРБАНОВА,
Зангиота туманлараро
иқтисодий суди судьяси

УМУМИЙ МУЛК ҲУҚУҚИННИГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ТАСАРРУФ ЭТИЛИШИ

Бош Қомусимиз бўлган Конституциямизда жамиятнинг асосий бўғини оила бўлиб, у давлат ҳимоясида эканлиги белгиланган.

Таъкидлаш керакки, жамиятда фуқаролар ўртасида оила, никоҳ ва мол-мулк билан боғлиқ турли хил низолар учраб турди. Аксарият ҳолларда никоҳдан ажратилигандан кейин тарафлар мулкий ҳуқуқий мажбуриятларини лозим даражада бажармаганини бунга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасига кўра, никоҳ ФХДЁ органларида тузилади. Диний расм-руsumларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Амалиётда эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ қўйидаги талаблар учрайди:

- эр-хотиннинг биргалиқдаги мулки деб топиш тўғрисида;
- никоҳга қадар олинган мулк деб топиш тўғрисида ва уни талаб қилиб олиш тўғрисида;
- ўртадаги умумий мулкни бўлиш тўғрисида;
- умумий мулқдаги улушни аниқлаш тўғрисида;
- эр (хотин)нинг умумий мулқдаги улушни ажратиш тўғрисидаги.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан никоҳ-

дан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида» 2011 йил 20 июлдаги қарорининг 20-бандида никоҳ ФХДЁ органларида қайд этилмасдан бир оила бўлиб яшайдиган шахсларнинг мулкий низолари фуқаролик қонунчилиги нормалари бўйича ҳал этилиши тўғрисида раҳбарий тушуниришлар берилган.

Мулк ҳуқуқи меҳнат фаолияти, мол-мулқдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан, мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш, давлат мол-мулкини хусусийлаштириш, мерос қилиб олиш, эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат, қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар бўйича вужудга келади.

Оила кодексининг 23-моддасига кўра, эр ва хотиннинг никоҳ давомида ортирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргалиқдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида ортирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал

фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек маҳсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганик муносабати билан етказилган зарапни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари хисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзгор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан teng ҳуқуққа эга бўлади.

Фермер хўжалиги ва дехқон хўжалиги аъзоларининг биргалиқдаги мулки бўлган мол-мулкка нисбатан эр ва хотиннинг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари фермер хўжалиги ва дехқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларда белгиланади. Фермер хўжалиги ва дехқон хўжалигининг мол-мулкини бўлиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 223 ва 225-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

Мазкур Кодекснинг 24-моддасига кўра, эр ва хотин уларнинг биргалиқдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қи-

лиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда teng ҳуқуқларга эгадир.

Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилаётганлигини англатади.

Эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабаблигина билдирган талабига биноан ва фақат битимни амалга оширган иккинчи томон амалга оширилган битим юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибida ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлиdir.

Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

Никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мулки ёхуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмиглаш, қайта куриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) кўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мулки улар-

нинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин.

Қимматбаҳо буюмлар ва зеб-у зийнатлардан бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийим-бош, пойафзал ва бошқа шу кабилар), гарчи никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам, улардан фойдаланиб келган эр ва хотиннинг хусусий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мulkни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишуви нотариал тартибда тасдиқланishi мумкин.

Низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мulkini бўлиш, шунингдек эр ва хотиннинг бу мол-мulkдаги улушкини аниқлаш суд тартибда амалга оширилади.

Оилавий муносабатлар тугатилганда, суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда ортирган мол-мulkни улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида» 2011 йил 20 июлдаги қарорининг 22-бандида агар оилавий муносабатлар ва умумий хўжалик юритилиши амалда тугагандан сўнг эр-хотин биргаликда мулк орттиришмаган бўлса, суд Оила кодекси 27-моддасининг бешинчи қисмига кўра, ҳар бир эр ёки хотин томонидан улар алоҳида яшаган даврда топилган мол-мulkни улардан ҳар бирининг мулки деб топиши ва фақат эр-хотин томонидан умумий хўжалик юритилиши тўхтатилган вақтга қадар топилган мол-мulkни бўлиш мумкинлиги белгиланган.

Масалан, даъвогар Я.З. 2017 йилда судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгарлар – Ш.О., А.З. ва туман

ФХДЁ бўлимiga нисбатан 2003 йил 5 июня туман ФХДЁ бўлимида Ш.О. ва А.З. ўртасида қайд этилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни ва Алишер Навоий МФЙ, Дўстлик кўчаси, 15-уй, 3-хонадон ва 2007 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли автомашинадан ўзи ва фарзандларининг улушкини олиб беришни сўраган.

Ўз навбатида, жавобгарлар Ш.О. ва А.З. даъвогар Я.З.га нисбатан Дўстлик кўчаси, 15-уй, 3-хонадон ва 2007 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли автомашинани ўзларини мулки деб топиш ҳақида қарши даъво билан мурожаат қилганлар.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогар Я.З.нинг жавобгарлар Ш.О., А. З. ва туман ФХДЁ бўлимiga нисбатан никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш, мол-мulkдан ўзи ва фарзандларининг улушкини олиб бериш ҳақидаги даъвоси қисман қаноатлантирилган. Ш.О. ва А.З. ўртасида 2003 йил 5 июнь куни туман ФХДЁ бўлимида қайд этилган никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган.

Даъвогар Я.З.нинг жавобгар Ш.О.га нисбатан Дўстлик кўчаси, 15-уй, 3-хонадон ва 2007 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли автомашинадан ўзи ва фарзандларининг улушкини ажратишга оид даъво талаби рад қилинган. Жавобгарлар Ш.О. ва А.З.нинг даъвогар Я.З.га нисбатан мол-мulkларни ўзининг мулки деб топиш ҳақидаги қарши даъвоси қаноатлантирилган. Дўстлик кўчаси, 15-уй, 3-хонадон ва 2007 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли автомашина Ш.О. ва А. З.ларнинг биргаликдаги мулки деб топилган.

Иш хужжатларига қараганда, даъвогар Я.З. жавобгар Ш.О. билан 1999 йил 2 августда Зангиота туман ФХДЁ бўлимида қонуний никоҳдан ўтган, биргаликдаги турмушидан 2 нафар фарзанди бўлган. Оилавий келишмовчиликлар сабабли 2000 йил сентябрь ойидан буён бирга умумий рўзғор юритиб яшамаган. 2001 йил 23

иулда фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорига асосан Ш.О.нинг Я.З. га нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилган. Улар 1999 йил 2 августда Зангиота туман ФХДЁ бўлимида қайд қилинган никоҳдан ажратилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг 2001 йил 17 сентябрдаги ажримига асосан, 2001 йил 23 иулда никоҳдан ажратиш ҳақидаги сиртдан чиқарилган қарори бекор қилинган. Ш.О. ва Я.З. ўртасидаги қонуний никоҳ бекор қилинмаган деб ҳисобланиши белгиланган. Ш.О.га фарзанди 1 ёшга тўлгандан кейин судга мурожаат қилиш хукуқи тушунтирилган.

Шундан сўнг Ш.О. 2003 йил 5 июнда А.З. билан туман ФХДЁ бўлимида янги никоҳдан ўтган бўлиб, бу ҳакда далолатнома ёзуви қайд этилган. Уларнинг биргаликдаги никоҳидан уч нафар фарзандлари бор. Улар ҳозирги кунга қадар Алишер Навоий номидаги МФЙ, Дўстлик кўчаси, 15-уй, 3-хонадонда истиқомат қиласди.

Ш.О. ва А.З. биргаликдаги никоҳлари давомида 2014 йилда Дўстлик кўчаси, 15-уй, 3-хонадонни ва 2016 йилда «Нексия» русумли 2007 йилда ишлаб чиқарилган автомашинани сотиб олишган. Мулкка бўлган хукуқлар 2014 йилда Ш.О. номига давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ишдаги Кончилар МФЙнинг маълумотномасида А.З. 2002-2010 йилларда Ш.О. билан маҳалладаги Ҳамза кўчаси, 12 уйда яшаганлиги, Я.З. эса, Ш.О. билан 2001 йилга қадар бирга яшаганлиги, шундан кейин Когон туманига кетиб, Ш.О. билан бирга яшамаганлиги белгиланган.

Ишдаги хужжатлар ва тарафларнинг суддаги қўргазмаларидан кўринишича, Ш.О. ва Я.З. 2000 йил сентябрь ойида умумий хўжалик юритишни ва эр-хотинлик муносабатларини тўхтатган. Шу сабабли,

суд дъзвогарнинг мол-мулклардан ўзи ва фарзандларининг улушкини ажратиш ҳақидаги талабини қонуний деб баҳоламаган. Жавобгарлар Ш.О. ва А.З. мол-мулкларини ўзларнинг мулки деб топиш ҳақида қарши даъво билан мурожаат қилишган. Юқоридаги кўчмас мулклар Ш.О. ва З.Я.нинг биргаликдаги эмас, Ш.О. ва А.З.нинг биргаликдаги никоҳи давомида олинган бўлиб, уларнинг мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш пайтида эътиборга олинмайди.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки улар никоҳда турган даврда бўлинган тақдирда, эр ва хотин мол-мулкининг бўлинмай қолган қисми, шунингдек эр ва хотин томонидан улар никоҳда турган даврда ортирилган мол-мулк кейинчалик уларнинг биргаликдаги умумий мулкини ташкил қиласди.

Никоҳдан ажralган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан уч йиллик даъво муддати қўлланилади.

Никоҳни ФХДЁ органларида қайд этмасдан бир оила бўлиб яшайдиган шахсларнинг мулкий низолари фуқаролик қонунчилиги нормалари бўйича ҳал этилади.

Бу турдаги низоларни камайтириш учун аҳоли хукуқий маданиятини юксалтириш мақсадида жойларда ва оммавий ахборот воситаларида оила ва фуқаролик қонунчилиги бўйича хукуқий тарғибот ишларни кўпайтириш лозим.

**Ф. ҚАРШИЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Самарқанд вилоят
суди судьяси**

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

Конституциямизнинг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳукуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқароларнинг ушбу конституциявий ҳукуқларини амалга ошириш билан боғлик механизmlар меҳнат қонунчилигига ҳам ўз аксини топган.

Шунингдек, амалдаги қонунларимизга кўра, иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 153-моддасига кўра, меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди. Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ҳужжатларда белгиланади. Меҳнатга ҳақ, қоида тариқасида, пул шаклида тўланади. Меҳнат ҳақини натура шаклида тўлаш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминла-

надиган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Табиий-иқлим ва турмуш шароитлари нокулай бўлган жойларда меҳнат ҳақига коэффициентлар ва устамалар белгиланади.

Коэффициентлар ва устамалар жорий қилинадиган жойларнинг рўйхати, шунингдек уларни қўлланиш тартиби ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Маълумки, ҳукуқий механизmlар орасида меҳнат ҳақи миқдорини белгилаш, меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлик муносабатлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Бироқ, ҳаётда иш берувчи ёки ходимнинг меҳнат қонунчилигига тўлиқ амал қилмаслиги, иш берувчи ҳамда ходимларнинг ўз ҳукуқ ва мажбуриятларини тўғри тушуниб етмаслиги натижасида ходимга бажарган иши учун ўз вақтида иш ҳақи тўланмаслик ҳолати учраб туради.

Мисол учун, фуқаролик ишлари бўйича Учқудуқ туман суди томонидан 2020 йилнинг биринчи чораги давомида иш ҳақи ундириш билан боғлик жами 8 та фуқаролик иши кўриб чиқилган.

Масалан, даъвогар Д. Шарипова (исм-шарифлар ўзгартирилган) судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда у турмуш ўртоғи «GREEN GROUP UCHQUDUQ» МЧЖ томонидан 2018 йил 9 ноябрдаги буйруқ билан ишчи вазифасига ишга қабул қилинганлигини, у ушбу МЧЖда 2019 йил февраль ойигача ишлаган бўлса-да, ҳозирги кунга қадар корхона томонидан меҳнат

шартномаси бекор қилинмаганлигини, уни шу вақтга қадар ишлаган даври учун умуман ойлик иш ҳаки тўланмаганлигини, суддан жавобгар «BIZNES-IMPERIYA 2017» МЧЖдан ўзининг фойдасига қолиб кетган жами 8 253 440 сўм иш ҳаки ҳамда 1 000 000 сўм маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогар «GREEN GROUP UCHQUDUQ» МЧЖга 2018 йил 9 ноябрдаги буйруқка асосан ишчи вазифасига ишга қабул қилинган бўлиб, «GREEN GROUP UCHQUDUQ» МЧЖ раҳбарининг Учқудук туман ИИБ бошлиғи номига берган тушунтиришида 2018 йил ноябрь ойидан 2019 йил февраль ойига қадар бўлган даврда суюқ обой ишлаб чиқариш цехида А. исмли фуқаро, унинг турмуш ўртоғи ҳамда Р. ишлаганлиги, ишлаб чиқариш жараённида мунтазам маошини олиб келганлигини, 2018 йил ноябрь ойидан 2019 йил февраль ойигача бўлган муддатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Хоразм, Қашқадарё вилоятларига сотганини, маҳсулотлар талабга жавоб бермаганлиги сабабли мижозлар маҳсулотни қайта ишлаб бериш учун қайтариб юборганини ва бунинг натижасида МЧЖ моддий зарар кўрганлигини, мурожаат қилган фуқароларни иш ҳаки қарздорлигини маълум бир муддат ичида келишилган ҳолда тўлаб беришини баён қилган.

Учқудук туман давлат хизматлари марказининг 2020 йил 18 февралдаги 1/3-04/2-сонли хатига кўра, «GREEN GROUP UCHQUDUQ» МЧЖнинг 2019 йил 22 майдаги мурожатига асосан, МЧЖ номи «BIZNES-IMPERIYA 2017» МЧЖга ўзгаририлган.

Юкоридаги ҳолатларга кўра, «BIZNES-IMPERIYA 2017» МЧЖ томонидан ходимга меҳнат ҳақининг миқдори белгиланмаган ҳамда ходим ишлаган даври учун

ҳисоб-китоб қилинмаган.

Меҳнат кодекси 82-моддасининг олтинчи қисмига кўра, ишга қабул қилиш хуқукига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошланган қундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Меҳнат кодексининг 153-моддасига кўра, меҳнат ҳақининг миқдори иш беरувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳаки қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди.

Тарафлар ўртасида меҳнат ҳақининг миқдори ҳақида келишув мавжуд эмаслиги сабабли, суд меҳнат ҳаки миқдорини ҳисоблаш ва жавобгарнинг даъвогар олдидаги қарздорлигини аниқлаш мақсадида, Учқудук туман молия бўлими, Учқудук туман аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази ҳамда Учқудук туман давлат солиқ инспекциясидан мутахассис иштирокида ўрганиш ўтказишни сўраган.

Учқудук туман молия бўлими ва Учқудук туман давлат солиқ инспекциясининг биргаликда ўтказган ўрганиш маълумотномасига кўра, «BIZNES-IMPERIYA 2017» МЧЖ томонидан Д. Шариповага меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 1 разряд билан иш ҳаки тўланганида, жами бўлиб 1 998 616 сўм иш ҳаки ҳисобланган бўлиши, шунда даромад солиғи жами ойлар учун 201 842 сўмни ташкил қилиши маълум қилинган.

Суд юкоридаги ҳолатлардан келиб чикиб, даъвогар даъво аризасида 8 253 440 сўм иш ҳаки ундиришни сўраган бўлса-да, мутахассис-

ларнинг ўрганиш хulosасини инобатга олиб, жавобгар Д. Шариповадан ишлаган даври учун иш ҳақидан 1 998 616 сўм қарздорлиги мавжудлиги ҳақида хulosага келади.

Меҳнат кодексининг 154-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шартлиги белгиланган.

Суд юкорида кўрсатилган қонун талабларидан келиб чиқиб, аниқланган иш ҳолатларига қонуний баҳобериб, даъвогар Д. Шарипова фойдасига жавобгар «BIZNES-IMPERIYA 2017» МЧЖдан 1 998 616 сўм иш ҳақи қарздорлигини ундиришни ҳамда даъвогарга етказилган маънавий зарарни баҳолаб, 500 000 сўм маънавий зарар ундиришни лозим топади.

Яна бир мисол, ўзининг бузилган ҳукуқларини тиклаш мақсадида, фуқаро Ҳ. Салимова ҳам (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2019 йил 4 сентябрь куни Учқудук туманида жойлашган «Порлок-Юлдузчалар» нодавлат мактабгача таълим ташкилотига ёрдамчи тарбиячи вазифасига ишга қабул қилинганлигини, 2019 йил 13 декабрь кунига қадар ишлаган даврида бирор маротаба иш ҳақи олмаганилиги, шунга кўра, суддан жавобгар – «Порлок-Юлдузчалар» нодавлат мактабгача таълим ташкилотидан ўзининг фойдасига ҳисобланмай қолиб кетган иш ҳақи қарздорлигини ва етказилган маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Дастлабки суд мажлисида «Порлок-Юлдузчалар» нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг раҳбари даъво ариза талабларини қисман тан олиб, даъвогарни 1 ставка миқдорда ёрдамчи тарбиячи вазифасига ишга қабул қилинганлигини, бироқ

молиявий қийинчиликлар туфайли унга иш ҳақини ўз вақтида тўлаб бера олмаганилигини, тез кунда даъвогарнинг иш ҳақини тўлаб беришини билдирган.

Дастлабки суд мажлисида мутахассис сифатида қатнашган Учқудук туман молия бўлими бош иқтисодчиси суднинг сўровига асосан «Порлок-Юлдузчалар» нодавлат мактабгача таълим ташкилотида даъвогарнинг иш ҳақи қарздорлиги бўйича ўрганиш ўтказганлигини, ўрганиш давомида ташкилот томонидан меҳнат қонунчилиги талабларига зид равишда даъвогарга аниқ ойлик иш ҳақи ҳисобланмаганлигини, бироқ даъвогар ҳақиқатан ишлаганлигини, ташкилотнинг даъвогардан иш ҳақи бўйича қарздорлиги тўғрисида асослантирилган хulosани тақдим этиши бўйича кўрсатма берган.

Шунингдек, мутахассис сифатида қатнашган Учқудук туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази инспектори тушунтириш бериб, ташкилотнинг даъвогардан иш ҳақи бўйича қарздорлиги тўғрисида асослантирилган хulosани тақдим этиши бўйича кўрсатма берган.

Суд тарафларнинг тушунтиришини, мутахассисларнинг кўрсатмаларини тинглаб, даъво қуйидаги асосларга кўра қаноатлантирилиши лозим деб ҳисоблади.

Ишхужжатларига кўра, даъвогар Ҳ. Салимова «Порлок-Юлдузчалар» нодавлат мактабгача таълим ташкилотига 2019 йил 4 сентябрдаги меҳнат шартномаси ва ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқка асосан ёрдамчи тарбиячи вазифасига ишга қабул қилиниб, 2019 йил 13 декабрь кунига қадар шу вазифада ишлаган.

Бироқ, тарафлар ўртасида меҳнат шартномаси тузилган бўлса-да, «Порлок-Юлдузчалар» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти томонидан ходимга меҳнат ҳақининг миқдори белгиланмаган ҳамда ходим ишлаган даври учун ҳисоб-китоб

қилинмаган.

Меҳнат кодексининг 153-моддасига кўра, меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди.

Тарафлар ўртасида меҳнат ҳақининг миқдори ҳақида келишув мавжуд эмаслиги сабабли, суд меҳнат ҳақи миқдорини ҳисоблаш ва жавобгарнинг даъвогар олдидаги қарздорлигини аниқлаш максадида Учқудук туман молия бўлими, Учқудук туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамда Учқудук туман мактабгача таълим бўлимларининг биргаликда ўтказган.

Учқудук туман молия бўлими, Учқудук туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамда Учқудук туман мактабгача таълим бўлимларининг биргаликда ўтказган ўрганиш маълумотномасига кўра, «Порлоқ-Юлдузчалар» нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг даъвогардан солик ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобга олган ҳолда 3 519 848 сўм иш ҳақи қарздорлиги мавжудлиги аниқланган.

Меҳнат кодексининг 154-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий холатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шартлиги белгиланган.

Суд юқорида кўрсатилган қонун талбларидан келиб чиқиб, аниқланган иш холатларига қонуний баҳо бериб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириб, жавобгар – «Порлоқ-Юлдузчалар» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ва

даъвогар ўртасида тузилган меҳнат шартномаси мавжудлигини, унинг ташкилотда амалда ишлаган даври учун мутахассислар томонидан ўтказилган ўрганиш хulosасини ҳамда ушбу хulosага кўра, ташкилотнинг даъвогар X. Салимовадан амалда ишлаган даври учун иш ҳақидан 3 519 848 сўм қарздорлиги мавжудлигини инобатга олиб, жавобгардан даъвогар фойдасига солик ва бошқа мажбурий тўловларни чегириб қолган ҳолда 3 519 848 сўм иш ҳақи қарздорлигини ундиришни ва маънавий зарар етказилганлигини акс эттирувчи ҳақиқий холатларни ҳамда эътиборга молик бошқа холатларни инобатга олиб, 500 000 сўм маънавий зарар ундиришни лозим топади.

Шунингдек, ишни кўриш жараёнида аниқланган меҳнат қонунчилигини бузилиш ҳолати юзасидан тегишли чора кўриш учун Учқудук туман прокуратурасида хамда Навоий вилоят мактабгача таълим бошқармасига хусусий ажрим чиқариб юборилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, албатта, бироқ ходимларнинг бу каби ҳолатларда ўз хуқуқларининг бузилишида иш берувчи ёки ходимнинг меҳнат қонунчилигига тўлиқ амал қилмаслиги ёхуд баъзан кишиларнинг ўз хуқуқ ва мажбуриятларини тўғри тушуниб етмаслигини кўрсатиш мумкин. Бунинг олдини олиш учун меҳнат қонунчилиги кенг омма ўртасида кўпроқ тарғиб этилиши лозим. Айниқса, меҳнат қонунчилигини корхона ва муассасаларда ходимлар билан ишлайдиганлар мукаммал билишлари лозим.

**Р. ДЖЎРАЕВ,
Учқудук туман иқтисодий
суди судья ёрдамчиси**

ADR¹ - ТОВАР БЕЛГИЛАРИ БҮЙИЧА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МАҚБУЛ УСУЛИ

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг учун инвесторларнинг ҳуқуқларини химоя қилишга ургу берилмоқда. Иқтисодиётни ривожлантиришда интеллектуал мулк ҳимояси кучайтирилмоқда. Буни биз ўтган йилларда амалга оширилган ислоҳотлар мисолида ҳам қўришимиз мумкин.

Қонунчиликка киритилаётган ўзгаришлар ҳам мамлакатда иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этиш механизмларни такомиллаштириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган шароитларни яратиш, интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 8 февралдаги Қарори² асосида мазкур соҳада давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида турли ўзгаришлар амалга оширилди.

Мазкур Қарор билан қонунчиликка бир канча ижобий ўзгаришлар киритилди. Масалан, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабномалар топширилгандан сўнг, Интеллектуал мулк агентлиги бир иш куни мобайнида ушбу талабномалар ҳақидаги маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштириш; ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар, сотувчилар ёки уларнинг вакиллари талабномалар эълон қилингандан сўнг Агентликка рўйхатдан ўтказиш учун ноҳалол топширилган аризалар ҳақидаги

ёзма эътиrozларини тақдим этиш; товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси Ўзбекистон Республикаси худудида сўнгги уч йил мобайнида узлуксиз равища фойдаланилмаганда, шунингдек жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув бузилган тақдирда, манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатидан аввал тўлиқ ёки қисман тугатилиши; товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган талабномаларни фақат электрон шаклда давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали топшириш тартибини жорий этиш каби ўзгаришлар киритилди.

Тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар асосан товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш, уларнинг мақомини белгилаш, товар белгиларининг онлайн реестрини юритишига қаратилган. Бироқ, мазкур соҳадаги асосий масалалардан бири бўлган товар белгиларига оид низоларни ҳал қилиш механизларини такомиллаштириш масаласи чуқур тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан мазкур тоифадаги низоларни судгача иш юритув усулида (Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгашида), судда кўриб чиқиш, шунингдек низоларни ҳал қилишнинг мұқобил усулларидан фойдаланиш орқали кўриб чиқиш мумкин ҳисобланади.

Биламизки, ҳозирги глобаллашув замонида низоларни давлат органлари, комиссия, кенгашлар орқали ёки судда кўриб чиқиш тадбиркорлар, йирик инвесторлар учун мақбул вариант ҳисобланмайди. Чунки, агар судда ишни кўриб чиқиш ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, биринчидан, судда низони

кўриб чиқишида суд харажатлари анча юкори ҳисобланади. Иккинчидан, судда маълум бир низони кўриб чиқиш учун ўртача бир ой сарфланади, шунда ҳам суд ҳал қилув қарори кучга киришига бир ойлик муддат белгиланган. Учинчидан, товар белгилари бўйича тарафлар низолашганда биринчи инстанцияда ютқизган тараф албагта шикоят билан иккичи инстанция судига мурожаат қилади. Апелляция инстанциясида ишни кўриш ҳам камидиа икки ойга чўзилади. Бунда низони судда кўриш давомида товар белгисининг асл эгаси бўлган тадбиркорлик субъектининг обрўсига ҳам путур етиши мумкин ҳисобланади.

Жаҳон амалиётидан маълумки, агар тадбиркорлик субъектлари судда иштирок этатган бўлса, инвесторлар мазкур тадбиркор билан бизнес юритишдан ўзларини тийиб турадилар.

Шунингдек, судда низоларни кўришнинг яна бир жиҳати, суд низони кўришида аниқ процессуал қонунчилик нормалари билан белгиланган қатъий, чегаралангтан тартибга амал қилади. Судья томонидан чиқарилган қарор деярли ҳар доим низо тарафларининг бирининг фойдасини кўзлаб чиқарилади. АҚШнинг собиқ 15-Бош судъяси Варрен Бургер 1984-йилда Америка адвокатлар ассоциациясидаги йиғилишда шундай деб таъки-

длаган: «Бизнинг суд тизимимиз замонавий одамлар учун жуда қиммат, жуда заарли ва жуда фойдасизdir»³. Варрен Бургер мазкур сўзларни Америка суд тизими ҳақида таъкидлаб ўтган.

Агар тадбиркорлар товар белгилари бўйича келиб чиқсан низоларни ҳал қилишда ADRдан кенгроқ фойдаланишса, бу низолашаётган тарафларнинг ҳар иккиси учун ҳам фойдали бўлиши мумкин ҳисобланади.

Дастлаб ўзи низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуllibарига нималар киришини билб олсан. Мазкур усуllibарга биз арбитраж (arbitration), медиация (mediation), музокаралар олиб бориш (negotiation)ларни мисол килиб келтиришимиз мумкин.

Музокаралар олиб бориш (negotiation) усули асосан фуқаролик ҳуқукий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этишда қўлланилади. Бунда икки низолашувчи тарафларнинг ҳуқуқшунослири ёки адвокатлари ўзаро вазият бўйича фикр алмашишади ва низони икки томонга фойдали тарзда ҳал этишга ҳаракат қилишади. Мазкур усул орқали товар белгилари бўйича низоларни ҳал қилиш АҚШ, Япония, Корея каби иқтисодиёти ривожланган давлатларда жуда кенг тарқалган.

Арбитраж ҳам низоларни муқобил ҳал

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада товар белгиларига оид низоларни ADR орқали ҳал қилишнинг муҳим аҳамияти, ADRнинг турлари, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари, ҳозирги кунда қонунчиликда амалга оширилаётган ўзгаришлар, шунингдек низоларни муқобил ҳал қилиш бўйича ҳалқаро тажриба ўрганилган.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк, товар белгилари, низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуllibари, арбитраж, медиация, музокаралар олиб бориш.

В данной статье исследуется важность разрешения споров о товарных знаках с помощью ADR, типы ADR, их плюсы и минусы, изменения в действующем законодательстве, а также международный опыт альтернативного разрешения споров.

Ключевые слова: интеллектуальная собственность, товарные знаки, альтернативное разрешение споров, арбитраж, медиация, переговоры.

This article examines the importance of resolving trademark disputes using ADR, types of ADR, their pros and cons, reforms in current legal system, and international experience in alternative dispute resolution.

Key words: intellectual property, trademarks, alternative dispute resolution, arbitration, mediation, negotiation.

этишнинг кенг тарқалган усулларидан бири ҳисобланади. И. П. Грешниковнинг фикрига кўра арбитраж – бу тарафларнинг келишувига асосан улар томонидан танланган, низони ҳал қилувчи суд ҳисобланади⁴.

Арбитражнинг асосий хусусиятлари куйидагилардан иборат⁵: арбитрларни тарафларнинг ўзлари танлайдилар; арбитраж холис бўлади; арбитражда кўрилган ишлар бўйича маълумотлар сир сакланади (confidential procedure); арбитраж қарорлари якуний бўлади ва ижрога қаратиш бир мунча осонроқ.

Хозирги кунда ривожланган хорижий давлатлар ҳуқукий тизимида низони судгача олиб бормасдан, муқобил йўл билан ҳал қилишга қаратилган медиация – яратириув процедураси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Медиация инглиз тилидан таржима қилинганда «воситачилик» маъносини англатади. У келиб чиқсан низони тарафларнинг ўзаро мақбул қарорга эришиш мақсадидаги ихтиёрий розилиги асосида, холис бўлган шахс, яъни медиатор кўмагида ҳал қилиш усулидир. Медиация маҳфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳукуқлилиги, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принциплари асосида амалга оширилади.

ADRдан фойдаланиш орқали товар белгилари бўйича низоларни ҳал қилишнинг куйидаги ижобий жиҳатларини санаб ўтишимиз мумкин:

- ADR орқали қабул қилинган қарор низолашувчи тарафларнинг ҳар бири учун фойдали бўлиши мумкин (судда ҳар доим бир тараф ютказади);

- Низони судда кўришга қараганда ADR орқали ҳал қилиш тезроқ, самаралироқ, камчиқимроқ ҳисобланади;

- Низолашувчи тарафлар ўз обрўсини сақлаб қоладилар (ADRда кўрилган ишлар бўйича маълумотлар конфеденциал бўлади);

- ADRда тарафлар низони кўриб чиқувчи арбитр, медиаторни ўзлари мустақил танлайдилар (судда иш кўрилганда бунинг имконияти мавжуд эмас);

- Арбитр ёки медиатор танланганда товар белгилари бўйича маҳсус билимларга эга бўлган шахс танланиши мумкин бўлади.

Хозирги кунда қонунчиликда амалга оширилаётган ўзгаришлардан ҳам кўришимиз мумкинки, мамлакатимизда суд-хукуқ ислоҳотларининг навбатдаги босқичининг мақсади ҳам айнан низоларни муқобил ҳал қилиш усуllibарининг ривожланишига ҳуқукий шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонунини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент ҳалқаро арбитраж марказини (TIAC) ташкил этиш тўғрисида»ги, «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад ҳам республикамизда инвестицион муҳитни мустаҳкамлаш, тадбиркорларнинг интеллектуал мулк ҳукуқларини ҳимоясини кучайтириш, низоларни ҳал этишнинг замонавий механизмларини жорий қилишга қаратилган.

Юкоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, ADR инвестиция жозибадорлигини оширишни мақсад қилган ҳудудда товар белгилари бўйича низоларни ҳал қилишнинг энг мақбул усули ҳисобланади.

Х. АБДУГАНИЕВ,
Олий суд катта консультантини,
мустақил изланувчи

¹Низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуllibарни.

²<https://lex.uz/docs/4195426>.

³Manny D. Pokotilow, Why Alternative Dispute Resolution Should Be Used for Intellectual Property Disputes, 16 NO. 7 J.PROPRIETARY RTS. 17 (2004) (citing Burger's remarks to the American Bar Association in 1984).

⁴https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30060372.

⁵<https://www.wipo.int/amc/en/arbitration/what-is-arb.html>.

МЕДИАЦИЯ – СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ НУФУЗИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ

Кузатишлар шуни кўрсатадики, медиация XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўла бошлиди ва унинг ilk бор англосаксон ҳукуки тизимига кирувчи Америка Кўшма Штатлари, Австралия ва Англия мамлакатларида пайдо бўлганини айтишимиз мумкин. Низоларни бу тартибда ечишнинг кейинчалик Европага ёйилганини, ҳозирда Япония, Хитой, Корея, Қозоғистон ва бошқа бир қатор мамлакатларда бу усулдан жадал фойдаланилаётганини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда медиация Ўзбекистонда ҳам жадал ривожланаётганининг гувоҳимиз.

Ўзбекистонда ҳукуқий низоларни судга қадар ҳал этишнинг муқобил усулларидан бири – медиация институтини жорий этиш кўзда тутилган қонун қабул қилинганлиги алоҳида аҳамиятлидир. «Медиация тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 12 июняда қабул қилинган ва Сенатнинг ўн бешинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан 2018 йил 28 июняда маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 3 июль куни «Медиация тўғрисида»ги Қонунни имзолади¹. Мазкур Қонун мамлакатда фуқаролик-ҳукуқий низоларни судга қадар ҳал этишнинг муқобил усулларидан бири ҳисобланган медиация институтини жорий этишни кўзда тутади.

Мазкур Қонун 4 боб, 34 моддадан иборат бўлиб, фуқаролик-ҳукуқий муносабатлардан, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган, шунингдек якка меҳнат низолари ва оилавий-ҳукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилади, унда соҳага оид асосий тушунчалар, принциплар ўрин олган. Медиация иштирокчилари ҳамда уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари, медиацияни қўллаш ва медиация тартиб-таомилларини амалга ошириш, низо-

ларни ҳал этиш каби масалалар қамраб олинган.

Ушбу медиация институтини жорий этиш мамлакатимизда судьялар иш ҳажмини камайтириш, шу орқали одил судловни таъминлашнинг самарадорлиги ва сифатини оширишнинг муҳим усулларидан бири фуқаролик-ҳукуқий низоларни судга қадар ҳал этишнинг муқобил усулларини, жумладан, медиация институтини ривожлантиришdir.

Медиациянинг мақсади низолашувчи тарафларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали шартлар асосида ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашишдан иборат бўлиб, унинг асосий тамойилларига ихтиёрийлик, тарафларнинг тенглиги, бетарафлик, медиаторнинг холислиги, махфийлик кабилар киради.

Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида низоларни тартибга солишининг муқобил усулларини ривожлантириш учун ҳукуқий шарт-шароитлар яратишдан, Ўзбекистон Республикасининг суд тизимига тушадиган босимни камайтиришдан иборат бўлиб, фуқаролик-ҳукуқий муносабатларда, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низолар, якка меҳнат низоларига ва оилавий ҳукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга татбиқ этилишда ўз самарасини бермоқда.

Қонун жамоат манфаатларига ҳамда медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қиласидан ёки дахл қилиши мумкин бўлган низоларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 17 июнядаги «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4754-сонли Қарори жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг

муқобил имкониятларини кенгайтириш, шунингдек судларда иш ҳажмини мақбуллаштиришда медиация институти, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражнинг ролини ошириш мақсадида қабул килинган қарори ҳуқукий жамиятда низони ҳал этишнинг муқобил механизмлари яратилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришишнинг самаравали воситаси сифатида баҳоланади².

Ушбу Қарорнинг 10-моддасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Бош прокуратура билан биргаликда медиация институтининг жиноят процессига татбиқ этилиши мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси

Президенти Администрациясига киритиш топширилганлиги ва 2020 йилнинг 22 июлида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ўтказилган «Жиноят процессида медиацияни ўрни: назария, амалиёти ва истиқболлари» мавзусидаги халқаро илмий конференциянинг мақсади ушбу медиация институтини жиноят процессига ҳам татбиқ этилиши ва низоларни судгача кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратишга бағишлилангани мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4754-сонли Қарори медиация институтининг жиноят

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жиноят процессига ҳуқукий низоларни судга қадар ҳал этишнинг муқобил усуllibаридан бири ҳисобланган медиация институтининг киритилиши мамлакатимизда судьялар иш ҳажмини камайтириш, низолашувчи тарафларнинг низоларини мустакил, ўзаро фойдалари шартлар асосида ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашиши ва пировард натижада одил судловни таъминлашнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга, суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга хизмат қилиши ёритилган.

Калит сўзлар: жиноят процесси, ҳуқукий низолар, судга қадар ҳал этиш, муқобил усул, медиация, судьялар иш ҳажмини камайтириш, низолашувчи тарафлар, низоларни мустакил, ўзаро фойдалари шартлар асосида ҳал этиш, имкониятини топишга кўмаклашиш, одил судловни таъминлашнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш.

* * *

В этой статье освещается то, что введение медиации, являющейся одним из альтернативных методов досудебного урегулирования уголовных споров, поможет снизить нагрузку на судей в стране, найти возможности для разрешения споров на независимых, взаимовыгодных условиях и, в конечном итоге, повысить эффективность и качество правосудия, повысить престиж судебной власти.

Ключевые слова: уголовный процесс, правовые споры, досудебное урегулирование, альтернативные методы, медиация, сокращение рабочей нагрузки судей, стороны в споре, разрешение споров на независимых, взаимовыгодных условиях, содействие в поиске возможностей, повышение эффективности и качества правосудия, повышение авторитета судебной власти.

* * *

This article highlights the fact that the introduction of mediation, which is one of the alternative methods of pre-trial settlement of criminal disputes, will help reduce the workload on judges in the country, find opportunities for resolving disputes on independent, mutually beneficial terms and, ultimately, improve the efficiency and quality of justice, increase the prestige of the judiciary.

Key words: criminal procedure, legal disputes, pre-trial settlement, alternative methods, mediation, reducing the workload of judges, parties to a dispute, resolving disputes on independent, mutually beneficial terms, assistance in finding opportunities, improving the efficiency and quality of justice, increasing the authority of the judiciary.

процессига ҳам татбиқ этилиши, низоларни судгача кўриб чиқиш жиноят ишлари бўйича суд тизимиға тушадиган босимни камайтиришга хизмат қилишини эътироф этган ҳолда, Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида медиаторнинг ҳукуқ ва бурчларини белгиловчи, шунингдек медиатор томонларнинг розилиги билан жиноят содир этилгани ҳақида хабар берилганидан ва ариза рўйхатга олинганидан бошлаб ва жиноят процессининг кейинги босқичларида ҳукм қонуний кучга киргунга қадар иштирок этиши ҳақида нормаларни киритиш лозим бўлади.

Президентимизнинг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сонли Фармонининг З-бандида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат ҳавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳукуқлари бўйича Миллий марказининг жиноят ишларини судда кўришни янада такомиллаштириш бўйича тақлифларига биноан, шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилаётганлигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Maxsus қисмининг мoddаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилишга розилик берилгани³ ярашув институтини жиноят процессига татбиқ этилиши ва низоларни судгача кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратишга ҳукуқий асос бўлиб хизмат қилиши билан ўта аҳамиятлидир.

Медиацияни қўллаш жисмоний ва юридик шахслар иштироки билан содир қилинган фуқаролик, меҳнат, оиласвий ва бошқа ҳукуқбузарликлар, шунингдек ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ҳақидаги ишлар бўйича баҳслар ва келишмовчиликлар белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Бу ўринда улар

томонидан жиноят биринчи маротаба содир этилганлиги, жиноят ўлим билан боғлиқ бўлмагани ёки инсон саломатлигига оғир шикаст етказилмагани, аризачи жабрланувчи билан ярашиб олганлиги, етказилган зарарнинг қопланганлиги ҳолатлари инобатга олиниши лозим бўлади.

Бундан ташқари, айрим тоифадаги шахсларга, яъни вояга етмаганларга, ҳомиладор аёлларга, балоғатга етмаган бўлалари бор аёлларга, 55 яшар ва ундан ошган аёлларга, 60 яшар ва ундан ошган эркакларга ҳам оғир жиноятни биринчи марта содир этганда ва юқорида келтириб ўтилган талабларни инобатга олган ҳолда, медиатив тартиб хулосасини қўллаш мумкинлиги тўғрисидаги нормани киритишни ҳам мухокама қилиш максадга мувофиқ бўлади.

Жиноят процесси давомида медиацияни қўллаш натижасида томонлар ўртасидаги келишмовчиликнинг бартараф этилганлиги ҳақида келишув ёзма тарзда тузилиб жиноят процессини олиб бораётган органга кечикирилмаган ҳолда етказилиши ва шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишга жиноят процессини олиб бораётган орган ҳақли эканлиги ҳақидаги нормалар Жиноят-процессуал кодексига киритилиши лозим бўлади.

Хулоса ўрнида айтганда, жиноят процесси га ҳукуқий низоларни судга қадар ҳал этишнинг муқобил усусларидан бири ҳисобланган медиация институтининг киритилиши мамлакатимизда судьялар иш ҳажмини камайтириш, низолашувчи тарафларнинг низоларини мустакил, ўзаро фойдали шартлар асосида ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашади ва пировард натижада одил судловни таъминлашнинг самарадорлиги ва сифатини, суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга хизмат қилади.

**А. МУҲАММАДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институти ўқитувчиси, ю.ф.д., доцент**

¹«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2018 йил 9 июль, 27-сон, 536-модда.

²«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2020 йил 22 июнь, 24-сон, 262-модда.

³«Қонун ҳужжатлари маълумотлари» миллий базаси, 10.08.2020 й., 06/20/6041/1151-сон).

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИКА БҮЛІНМАЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАҚ ЭВАЗИГА КҮРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард максади, аввало, инсонлар учун муносиб турмуш ҳамда фаолият шароитларини яратишидир. Бу эса ишлаб чиқариш соҳалари билан бир категорда, хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам ривожлантиришни талаб қиласди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, тармоқлар ва худудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатбардошлиқ даражасини ошириш, хизматлар соҳасини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим¹. Зеро, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг мухим манбаи ва омили ҳисобланади.

Айни пайтда, мамлакатимизда барча соҳаларда, хусусан ички ишлар органларида ҳам ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини ошириш ҳамда янги-янги хизмат турларини изчиллик билан тизимга жорий этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, сўнгги пайтда ички ишлар органларининг соҳавий хизматларида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сонли Қарорига мувофиқ Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ҳукуқидаги таркибий бўлинмаси сифатида фаолият юритадиган бўлди. Марказга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ташкилотларга экспер特-криминалистика фаолияти соҳасида пуллик экспертиза, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини кўрсатиши ҳажми кам эканлигини кўриш мумкин. Бунга ҳукуқни кўллаш назарияси ва амалиётида бир неча омиллар сабаб бўлмоқда. Хусусан, экспертиза, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини тақдим этиш фақатгина юридик шахсларгагина кўрсатилиши мазкур соҳа фаолиятида маълум бир чекловларга сабаб бўлмоқда. Чунки, жисмоний шахсларга мазкур фаолиятда пуллик хизматлар кўрсатилса, салбий тусдаги ҳукукий оқибатлар келиб чиқиш ҳолатлари вужудга келиши мумкин, деган қарашлар мавжуд.

матлар кўрсатиш доирасининг кенгайишига, тизимда илғор криминалистик ва илмий-техник воситаларни ҳамда ишлашнинг замонавий шакл ва услубларини кенг жорий этилишига олиб келади. Шу билан бирга, фаолият самародорлигини ошириш, пировардида тергов органларининг фаолиятининг такомиллашувига ёрдам беради.

Жумладан, Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси экспер特-криминалистика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари экспер特-криминалистика бўлимлари, туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш бўлимлари экспер特-криминалистика бўлимлари (бўлинмалари, гурухлари) томонидан юридик шахсларга пуллик асосда 2017 йилда – 5 та, 2018 йилда – 33 та, 2019 йилда – 46 та (жами 43 282 682 сўм) экспертилик, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматлари кўрсатилган².

Статистик маълумотларни таҳлил қиласди ган бўлсак, бугунги кунда мазкур соҳага нисбатан аҳолининг эҳтиёжлари юқори бўлса-да, бироқ экспер特-криминалистика бўлинмалари томонидан пуллик асосда кўрсатилган хизматларнинг ҳажми кам эканлигини кўриш мумкин. Бунга ҳукуқни кўллаш назарияси ва амалиётида бир неча омиллар сабаб бўлмоқда. Хусусан, экспертиза, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини тақдим этиш фақатгина юридик шахсларгагина кўрсатилиши мазкур соҳа фаолиятида маълум бир чекловларга сабаб бўлмоқда. Чунки, жисмоний шахсларга мазкур фаолиятда пуллик хизматлар кўрсатилса, салбий тусдаги ҳукукий оқибатлар келиб чиқиш ҳолатлари вужудга келиши мумкин, деган қарашлар мавжуд.

Айни пайтда, ривожланган давлатларнинг аксарият қисми Европа суд-экспертиза институти тармоқлари (The European Network of Forensic Science Institute)³га аъзо бўлган. Мазкур ташкилот томонидан 17 хил суд-экспертиза хизматлари, жумладан, бармоқ изи хизмати (fingerprint services)⁴, ўқотар қурол ва ўқотар қурол қолдиқлари хизмати (Firearms/GSR)⁵, ёнғин ва портлашни ўрганиш (Fire and Explosion)⁶ ва бошқа кўплаб турдаги суд-экспертиза хизматларини тақдим этади. Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, ушбу ташкилотга аъзо давлатларда суд-экспертиза, криминалистика соҳасига оид алоҳида институтлар ташкил этилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Арманистон Миллий тажрибалар бюроси, Австрия Жиноят-разведка хизмати ва Суд тиббиёти хизмати, Бельгия Миллий криминалистика ва криминология институти, Болгария Суд-тиббиёт ва криминология илмий-тадқиқот институти, Кипр Криминалистик хизматлар Кипр полицияси, Франция Гендамерие суд-тиббиёт институти, Германия Федерал жиноят полицияси, Висбаден Суд-тиббиёти институтини келтириш мумкин. Хусусан, Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги экспертиза-криминалистика маркази жисмоний ва юридик шахслар учун шартнома асосида экспертиза хизматларини тақдим этади.

А.В. Горелик таъкидлаганидек, экспертиза муассасалари жисмоний ва юридик шахслар учун шартнома асосида эксперт тадқиқотларини ўтказиш, фуқаролик, маъмурий ва ҳакамлик судлари, маъмурий ҳукуқбузарлик ҳолатлари бўйича суд экспертизалини ўтказиш учун ҳақ олиш ҳукуқига эга. Ушбу маблағларни сарфлаш тартиби тегишли федерал органлар томонидан белгиланади⁷.

Хиндистоннинг Халқаро суд-экспертиза институти (IFS Education Dept. - International Forensic Science Institute) анъанавий таълим ҳамда масофавий онлайн таълим тизими орқали экспертиза соҳаси билан боғлиқ хизматларни ҳақ эвазига ўқитишни ўйлга кўйган. Мазкур институтда 30 дан зиёд экспертиза хизмати билан боғлиқ соҳаларни 2 ойлик (қисқа муддатли сертификат 200 АҚШ доллари), 6 ойлик (мураккаб сертификат 300 АҚШ доллари), 12 ойлик (ПГ сертификати 500 АҚШ доллари, Профессионал ихтисослаштирилган сертификатлаш 750 АҚШ доллари, умумжаҳон

сертификатлаш 900 АҚШ доллари)⁸ таълим жараёнида XXI асрнинг ўзгарувчан дунёсини маҳаллий, миллий ва глобал даражада тушуниш ва самарали иштирок этиш учун билим ва кўникмалар беради.

Беларусь, Украина, Туркия, Татаристон, Франция, Германия, Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги экспертиза-криминалистика марказлари ҳам жисмоний ва юридик шахслар учун шартнома асосида экспертиза хизматларини тақдим этади. А.В. Горелик таъкидлаганидек, экспертиза муассасалари фуқаролар ва юридик шахслар учун шартнома асосида эксперт тадқиқотларини ўтказиш, фуқаролик, маъмурий ва ҳакамлик судлари, маъмурий ҳукуқбузарлик ҳолатлари бўйича суд экспертизалини ўтказиш учун ҳақ олиш ҳукуқига эга. Ушбу маблағларни сарфлаш тартиби тегишли федерал органлар томонидан белгиланади⁹. Ушбу меъёр аслида Россияда эксперт бизнесининг жуда муҳим элементини белгилайди ва суд экспертига, давлат суд-тиббиёт муассасаларига эксперт хизмати бозорига кириш имконини беради.

Суд амалиёти шуни кўрсатадики, фуқаролар ва юридик шахслар учун шартнома асосида тадқиқотлар одатда инсон саломатлигига етказилган заарнинг табиати ва оғирлигини аниқлаш учун ўтказилади. Жумладан, етказилган заар оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасини белгилаш, айрим ҳолларда, жинсий яхлитликни аниқлаш мақсадида ўтказилади. Шу боисдан, мамлакатимизда эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан жисмоний шахсларга ҳам экспертиза, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини тақдим этишда ҳукуқий оқибат келтириб чиқармайдиган хизматлар доирасини аниқлаган ҳолатда хизмат кўрсатишни ўйлга кўйиши мумкин, деб хисоблаймиз. Жумладан:

- ўзини ҳимоя қилиш қуроли бўйича¹⁰;
- компьютер технологияси соҳасида хизмат ва маслаҳатлар кўрсатиш, хусусан рақамли ташувчиларда ўчиб кетган маълумотларни қайта тиклаш ва рақамли маълумотларни ҳимоялаш бўйича¹¹;
- заргарлик буюмлари ва вино-ароқ маҳсулотлари таркибини аниқлаш бўйича¹².

Шу билан бирга, ушбу соҳада хизматлар кўрсатиш доирасини кенгайтириш мақсадида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан

ҳамкорликда хукукий тарғибот ишларини тизмли равишда амалга ошириш зарурияти мавжуд.

Айни пайтда, ички ишлар органларининг экспер特-криминалистик бўлинмалари томонидан юридик шахсларга пуллик асосда экспер特лик, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини тақдим этиш амалиётини таҳлили соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Биринчидан, корхона, ташкилот, муассасаларда, айниқса банкларда қалбаки пулларни қалбул қилиш ҳолатларининг ҳам учраётгандиги, бу борада ходимларнинг қалбаки хужжат белгиларини аниқлашга оид билим ва малакаларининг етарли эмаслиги кузатилмоқда.

Фикримизча, Ички ишлар вазирлиги Экспер特-криминалистика бош маркази ва унинг ҳудудий тузилмалари, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Малака ошириш институти томонидан мутасадди ташкилотлар, шу жумладан, тижорат банклари билан шартнома асосида уларнинг ходимларининг хужжатлар, қимматбахо қофозлар, шахсни тасдиқловчи хужжатлар ҳамда пулларнинг қалбакилаштириш белгилари бўйича билим ва қўнималарини оширишга қаратилган таълим хизматларини ҳақ эвазига кўрсатиш тизимини жорий этиш лозим.

Иккинчидан, маълумки, хужжатлар, қиммат-

баҳо қофозлар, лотерея чипталари, шунингдек бошқа турдаги қатъий ҳисобот остидаги босма маҳсулотларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар, қўлёзмалар ва имзоларни идентификация қилиш бўйича тадқиқот ҳамда узоқ муддат мобайнода ўчиб кетган матнларни қайта тиклаш тадқиқотлари одатда жиноят, иқтисодий, фуқаролик ва маъмурӣ ишлар доирасида тайинланиши сабабли судларнинг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажрими асосида экспертиза харажатлари томонларнинг бирига юкланди.

Аммо, мазкур турдаги ишларни амалга оширишда суриштирувчи, терговчи ёки прокурор пуллик экспертиза хизматини кўрсатиш бўйича қарор ёки хулоса бериши қонун хужжатларида белгиланмаган.

Фикримизча, судларнинг электрон почта манзилларига Ички ишлар вазирлиги Экспер特-криминалистика бош маркази ва унинг ҳудудий тузилмаларининг пуллик хизмат кўрсатиш шартлари ва имкониятлари тўғрисида батафсил маълумот юбориш тизимини жорий этиш лозим.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 3 июлдаги 125-сонли буйруғи билан «Ички ишлар органларининг экспер特-криминалистик бўлинмалари томонидан юридик шахсларга пуллик асосда эксперт-

АННОТАЦИЯ

Мақолада ички ишлар органларининг экспер特-криминалистика бўлинмалари томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларнинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилиб, чет эл тажрибаси таҳлил этиб берилди. Шунингдек, хукукшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари атрофлича ўрганилиб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: экспер特-криминалистика, пуллик экспертиза хизмати, пуллик экспертиза хизмати турлари.

В статье описаны виды платных услуг, оказываемых экспертно-криминалистическими подразделениями органов внутренних дел, их особенности и анализ зарубежного опыта. Также были детально изучены взгляды и мнения ученых-юристов, а также разработаны предложения и рекомендации.

Ключевые слова: экспер特-криминалистика, платные экспертные услуги, виды платных экспертных услуг.

The article describes the types of paid services provided by the forensic departments of the internal affairs bodies, their features and analysis of foreign experience. Also, the views and opinions of legal scholars were studied in detail, and proposals and recommendations were developed.

Key words: forensic expert, paid expert services, types of paid expert services.

лик, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини тақдим этиш тартиби тұғрисида»¹ги Низом тасдиқланған бўлиб, унинг 21-бандига кўра пуллик хизмат кўрсатиш бўйича буюртма қабул қилингандан тақдирда, буюртмачи томонидан бажарувчи ҳисоб рақамига, шартномада кўрсатилган сумма (пул) миқдорининг 15 фоизи олдиндан амалга оширилиши, буюртма бажарилганидан сўнг, буюртмачи қолган 85 фоиз миқдоридаги тўловни амалга оширилиши белгиланган.

Назаримизда, мазкур тартибни амалга ошириш жараёни инсон омили меҳнатининг ҳамда

вақтининг ортиқча сарфланишини келтириб чиқармоқда. Шу боис, тўловни «Click» хизмати орқали амалга ошириш тизимини жорий этиш фойдадан холи бўлмайди.

**У. МАҲМУДХОДЖАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги Академияси
«Фуқаролик ҳуқуқи фанлари»
кафедраси ўқитувчиси**

¹Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2016. Б. 15-16.

²Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош марказининг архив материалларидан. – Т., 2019 йил 10 декабрь.

³Изоҳ. Европа суд-экспертиза институтлари тармоғи (ENFSI) суд-экспертиза соҳасидаги ўзаро маълумот алмашибни тақомиллаштириш мақсадида 1995 йилда ташкил етилган. Мазкур ташкилот Сифат ва ваколатларни бошқариш, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш, таълим ва ўқитиши соҳаларидағи умумий ишлардан ташкири, 17 хил суд экспертизалиари эксперт ишчи гурухлари томонидан олиб борилади. Ташкилотнинг 2019 йил ҳисобига кўра 71 аъзоси бўлиб, жумладан, Австрия, Арманистан, Озарбайжон, Белгия, Болгария, Хорватия, Кипр, Чехия, Дания, Естония, Финляндия, Франция, Грузия, Германия, Грекия, Венгрия, Ирландия, Италия, Латвия, Литва, Собиқ Югослав Республикаси Македония, Малта, Черногория, Голландия, Норвегия, Полша, Португалия, Руминия, Россия, Сербия, Словения, Словакия, Испания, Швеция, Швейцария, Туркия, Украина ва Буюк Британия каби давлатлардан иборат. <http://www.enfsi.eu>.

⁴Изоҳ. Бармоқ излари хизматлари Бармоқ излари хизмати гурухининг вазифаси ҳуқуқбузарлар, ўқотар куроллар лицензиясидан даъвогарлар, ўйин комиссияси аризачилари ва керак бўлганда бошқа одамлардан олинган бармоқ излари тўғрисидаги маълумотлар базасини саклашадир. Ходимлар илгари бармоқ излари бўлган ҳуқуқбузарларни, номаълум мархумларни ва авария курбонларини, шу жумладан, ийрик табиий оғатларда иштирок етганларни аниқлайдилар. Бармоқ излари хизмати гурухи, шунингдек яширин бармоқ излари - кўзга кўринмайдиган бармоқ изларини текшириш, шунингдек, жиноятчилик жойларидан тикланган яширин бармоқ изларини ўрганиш ва аниқлаш орқали жиноятларнинг тергов қилинишига ёрдам беради.

⁵Изоҳ. Уқотар қурол ва ўқотар қурол қолдиклари хизмати (firearms /FA/, gunshot residues /GSR/) 1995 йилда Рижсцикк шаҳрида ташкил етилган бўлиб ўқотар қуролларни идентификациялаш, ўқотар қуроллар техникаси, ўқотар қолдиклари ва ўқотар қуроллар ҳуқуқбузарлигига жиноятчиликни қайта тиклаш саҳналаридағи илмий тажрибаларни бирлаштиради.

⁶Ёнғин ва портлашни ўрганиш бўйича хизмати дала текшируви, техник тадқиқотлар ва ёнғин содир бўлган жойни кимёвий таҳлил қилиш.

Горелик А.В. Является ли экспертиза в производстве по делам об административных правонарушениях судебной? // Вестник Сибирского юридического института ФСКН России. – С.151.

⁸www.ifs.edu.in/scope-career/, www.aafs.org/choosing-career/, www.aafs.org/current-job-openings.

⁹Горелик А.В. Ўша манба. - С.151.

¹⁰Изоҳ: Ўзини химоя қилиш қуроли билан содир этилган жиноят жойларидан олинган ўқ ва гилзаларнинг отган қурол ва унинг эгаси ҳақидаги ахборотни экспертиза маълумотлар базасидан топишнинг юкори тезлик ва аниқлик даражасини йўлга кўйиш ҳамда терговчи ва одил судловнинг меҳнат самарадорлигини ошириш, ходимларнинг ортиқча иш вақтини тежаш максадида. ЭКБ томнидан Ўзбекистон фукаросига тегишли бўлган ўзини химоя қилиш қуроли бир йилда бир марта назорат тартибида отилади ўқ ва гилзалардан намуналар олинади.

¹¹Изоҳ: Жисмоний шахсга тегишли бўлган телефон, компьютер, флеш-карта каби ахборот ташувчи техникалардаги ўчиб кетган маълумотларни қайта тиклаш мақсадида мазкур хизмат кўрсатилиши мумкин.

¹²Изоҳ: Мазкур турдаги экспертлик тадқиқотлари кўп ҳолатларда иқтисодий, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар доирасида тайинланиши сабаб мижозлар аксарият ҳолатларда жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

ЛИЗИНГНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ ҲАМДА АФЗАЛ ЖИХАТЛАРИ

Жамиятдаги ҳар қандай иктиносидий муносабатлар мавжуд объектив зарурият орқали вужудга келади. Шу билан бирга, иктиносидиётда пайдо бўлган барча янгила-нишлар ва ўзгаришлар кимнингдир фояси ва ташаббуси орқали ҳаётга жорий этилади. Лизинг ҳам бундан мустасно эмас.

Бугунги замонавий лизинг (молиявий ижара) амалиётлари XX асрнинг 50-йилларида АҚШда шаклланиб, ўзининг та-комиллашган кўринишига эга бўлган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакатда саноатнинг гуркираб ривожланиши натижасида катта миқдорда ишлаб чиқарилган технологик ускуналар, денгиз кемалари ва бошқа қимматбаҳо машина-механизмларни пешма-пеш пулга тўхтовсиз сотиш имкониятлари чегараланганилиги боис, уларни ижарага бериш манфаатли усул эканлиги маълум бўлади.

Акс ҳолда ишлаб чиқарилган товарлар сотилмасдан, иктиносидий бўхронлар вужудга келиши мумкин эди. Шунинг учун Ҳукумат томонидан лизинг муносабатларини рағбатлантириш мақсадида катта имтиёзлар кўзда тутилган махсус дастур қабул қилинди. Лекин, лизинг бўйича давлат томонидан қанча қулайликлар яратилмасин, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ижара муносабатларига киришишдан нечоғлик манфаатдор бўлишмасин, лизинг авж олиб ривожланиши мумкин эмасди. Чунки, уларнинг бошини бирлаштира-

диган учинчи воситачи – махсус лизинг компаниялари шаклланиб улгурмаган эди. Бироқ, америкалик ишбилармон ва тадбиркорлар бу заруриятни тушуниб етдилар ва 1952 йилда Сан-Франциско шаҳрида ишбилармон Генри Шонфелд томонидан биринчи лизинг компанияси – «United States Leasing Corporation»га асос солдилар. Ушбу воқеа замонавий лизингнинг ривожланиши йўлида тарихий қадам бўлди. Мазкур компаниянинг муваффақиятли фаолияти натижасида унинг янги очилган ўнлаб шўъба корхоналари дунёning бошқа мамлакатларида ҳам ўз ишини бошлади. Кейинчалик ушбу лизинг компанияси «United States Leasing International» деб атала бошлади.

Шундай қилиб, иктиносидиётда мулкдан фойдаланишнинг янги шакли ва та-комиллашган махсус тури – молиявий ижара, яъни лизинг вужудга келган. Демак, лизинг амалиётларининг заминида, аввало, ижарага асосланган мулкий муносабатларнинг тадрижий ривожланиш босқичлари ётади.

«Лизинг» сўзи инглизча «leasing», «lesson» ва «lessee» сўзларидан олинган бўлиб, «ижара», «мулк ижараси», деган маъноларни англатади¹.

Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни 2-моддасининг биринчи қисмига кўра, лизинг молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи

тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мulkни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига әгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради².

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 588-моддаси ва «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг З-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилдиган, истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан, корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида лизинг муносабатларининг қўпдан-қўп турлари ва шакллари қўлланилмоқда.

Лизинг турлари деганда, унинг айrim мазмуний белгилари билан фарқ қилувчи лизинг шартномалари, лизинг шакллари деганда эса, унинг мазмuni бир бўлиб, фақат лизинг объекти ва субъектларининг, лизинг битими шартлари ҳамда унда акс этган иқтисодий жараёнларнинг шакли ва ташкилий бошқариш жиҳатлари билан бир-биридан фарқланадиган лизинг битимлари тушунилади. Лизинг хизматларининг замонавий бозор шакллари бевосита лизинг битими шартларида ва лизинг операцияларини тартибга солувчи меъёрий хужжатларда ўз аксини топади.

Халқаро миқёсда лизинг (мoliavий ижара) қуйидаги белгиларига қараб таснифланмоқда:

- лизинг шартномасининг муддати туғаши билан лизинг объекти лизинг олувчининг хусусий мулкига ўтади;

- шартнома муддатидан лизинг объектидан фойдаланиш муддати кўп бўлади;

- лизинг олувчи лизинг объектини бозор баҳосидан паст баҳода ёки лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг белгиланадиган баҳода сотиб олиш хуқуқига эга бўлади;

- лизинг шартномаси даврида лизинг тўловларининг умумий суммаси (солиқлардан ташқари) лизинг объекти қийматига teng ёки ундан ортиқ бўлиши лозим;

- ижарага берилган лизинг объектиning фойдаланиш хусусиятларини лизинг олувчи қайта ўзгартирмаслиги керак.

Бугунги кунда Ўзбекистонда лизингнинг аҳволи қай даражада? Давлатимиз томонидан ушбу истиқболли соҳани ривожлантириш бўйича қандай тадбирлар амалга оширилмоқда? Ўзбекистон мустақилликка эришган йилларнинг дастлабки кунлариданоқ лизингни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Олиб борилган ташкилий ва мoliavий тадбирлар натижасида республика иқтисодиётiga лизинг жадал кириб келмоқда. Биринчи лизинг операцияси 1993 йилда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан амалга оширилган бўлиб, чет эл компанияларидан лизинг орқали самолётлар харид қилинган.

Барча ривожланган мамлакатларда лизингнинг дастлабки ривожланиш босқичи давлат томонидан қўллаб-қувватланган. Бунда, айниқса, лизинг амалиётлари бўйича берилган солиқ имтиёзлари катта аҳамият касб этган³.

Айrim мамлакатларда лизинг бўйича сарфланган харажатлар солиқقا торадиган базани ҳисоблашда чегириб ташланади ва жадаллаштирилган амортизация қўлланган ҳолларда ҳам солиқ бўйича имтиёзлар яратилган. Шу боис, республикада лизинг амалиётларини янада ривожлантириш мақсадида бу бо-

рада солиқлар бүйіча құшымча имтиёзлар берилиши лозим. Масалан, лизинг компанияларини лизинг амалиётларидан олган фойдадан солик тұлашдан маълум муддатта озод қилиш ёки унинг ҳажми-ни ссуда амалиётіга нисбатан сезилар-ли даражада камайтириш мақсадға му-воғык бўларди. Шу билан бирга, лизинг операцияларининг оқсаб қолишига сабаб, фикримизча, инвесторларнинг, айниқса, кичик ва ўрта бизнес субъектлари мала-касининг етарлы әмаслиги, ўзига қандай асбоб-ускуна кераклигини аник билмас-лиги ва ҳали лизинг операциялари моҳи-ятини тұла тушуниб етмаганлиги, лизинг компанияларининг молиявий жиҳатдан ночорлиги, молиявий маблағларга мұхтож бўлиб қолганидир.

Шунинг учун ҳам уларнинг асосий операцияларини тижорат банклари моли-лаштироқда.

Дунёнинг ривожланган давлатлари инвестициявий лойиҳаларнинг 30 фо-изидан ортигини лизинг орқали амалга ошироқда. Савол туғилади: нима учун лизингга бўлган эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда?

Бу саволга жавоб бериш учун ли-зинг муносабатларига микроқтисодий ва макроқтисодий жиҳатдан ёндашиш мақсадға мувоғык бўлади. Микроқтисодий омиллар таҳлил қилинганда ли-зинг муносабатларининг ҳар бир ишти-рокчиси манфаатларини инобатга олиш лозим бўлади:

Биринчидан, сотувчи ёки лизинг обьектига ишлаб чиқарувчи товарларни олдиндан берилган буюртмалар асоси-да сотиш имкониятига эга бўлади ва бу жиҳат унинг товарлари бозори чақон бўлишига олиб келади, олдиндан берил-ган талаблар асосида ишлаб чиқаришни аник режа асосида бошқариш имконият-

лари яратилади;

иккинчидан, лизинг олувчи ўз пул маблағларини тежаш учун имконият-ларга эга бўлади. Лизинг ишлаб чиқа-риш обьектидан самарали фойдаланиш-га мажбур қиласи; лизинг олувчининг ишлаб чиқариш қувватини оширади. Лизинг шарофати билан у мулк соҳи-бига айланади. Бундан ташқари, лизинг талаблари банкдан шу мақсадларда кре-дит олишга қараганда енгил ва лизинг обьекти кредит таъминоти сифатида қа-бул қилиниши мумкин;

учинчидан, лизинг берувчининг даромадли активлари ошади, тадбиркорлик фаолияти рафбатлантирилади. Банклар учун лизинг, лизинг обьекти суғурталан-ганлиги боис, ссуда амалиётіга қараганда бехатар активдир ва лизинг тўловла-рининг мунтазамлиги уларнинг барқарор даромад манбаи ҳисобланади;

тўртингидан, лизинг операциялари ти-жорат банклари учун қатор афзалликлар-га эга, масалан, лизинг операциялари бўйича бизнес режа тайёрлаш кредитлаш амалиётларига қараганда қулай, чунки лизингда бизнес обьекти ва ундан фойда-ланиш аник бир жараёнга боғлиқдир.

Лизингнинг салбий хусусияти сифа-тида лизинг обьектининг баҳоси ўзгари-ши натижасида лизинг олувчи ва лизинг берувчи учун бирмунча ноқулайликлар келиб чиқишини айтиб ўтиш зарур. Ле-кин, ушбу муаммо лизинг шартномасига қўшымча шартлар киритиш орқали ҳал килинмоқда.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, лизингга оид хукуқий муноса-батларни янада ривожлантириш, лизинг хизматлари кўламини кенгайтириш ва тадбиркорлик субъектларининг лизингга бўлган ишончини ошириш мақсадида ай-рим масалаларга эътибор қаратиш зарур.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 588-моддаси ва «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг З-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан, корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин.

Бугунги кунда республикамиздаги аксарият лизинг компаниялари томонидан лизинг олувчиларга асосан қишлоқ хўжалиги техникалари, юк ва енгил автомобиллар ҳамда мелиоратив техникалар етказиб берилмоқда. Бироқ, Қонунда кўрсатилган корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар ва бошқа турдаги ускуналар лизингга етказиб берилмаяпти. Бу эса, ўз навбатида, Қонуннинг мазкур талаблари амалиётда умуман ишламаётганлигидан далолат беради.

Иккинчидан, лизинг амалиётида ҳисоб-китоб тизимини соддалаштириш лозим. Маълумки, лизинг тўловлари ҳисоб-китобида лизинг объектининг нархидан келиб чиқсан ҳолда фойзлар ҳисобланади ва лизинг шартномасининг бутун муддати даврида амалда бўлади. Амалиётда лизинг олувчилар айнан мана шу ҳисоб-китоб тизимидан норози бўлмоқда. Лизинг тўловларини ҳисоб-китоб қилишда ҳам тижорат банкларидаги ҳисоб-китоб тизимини жорий қилиш лозим. Бунда, лизинг олувчи томонидан амалга оширилган тўловни дастлаб лизинг

фоизи учун ҳисоблаб, қолган қисмини лизинг асосий қисмини сўндириш учун ҳисоблаш ҳамда асосий қарзнинг қолдиқ қисмига фоизлар тўлаш тизими жорий қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчидан, барча соҳада бўлгани каби лизинг хизматлари кўламини кенгайтириш ва ривожлантиришда ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари муҳим аҳамият эга. Шу сабабли, лизинг хизматлари кўрсатишида бунга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Тўртинчидан, амалдаги «Лизинг тўғрисида»ги Қонун 1999 йилда қабул қилинган. Давр талабидан келиб чиқиб, мазкур Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бешинчидан, бугунги кунда республикада лизинг хизматлари кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган корхоналар ва идоралар лизинг операцияларини амалга ошириш тартиби, лизинг тўловлари ҳисоб-китоби, маркетинг ва мониторинг масалаларида асосан ўзларининг ички меъёрий ҳужжатларидан фойдаланишмоқда. Бу соҳада барча лизинг берувчилар учун ягона норматив-хуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиши муҳим аҳамиятга эга.

У. БАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши хузуридаги
Судьялар олий мактаби магистранти

1 Ўзбекистон Юридик Энциклопедияси. – Тошкент: Адолат, 2009. – 278-б.

2 Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2015 йил 27 ноябрдаги 289-сонли қарори 2-бандининг биринчи хатбоиси.

3 www.ziyouz.com/kutubxonasi.

ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК ГАРОВИ

Айни вақтда халқаро терроризм ва экстремизм хавфининг тобора ортиб бораётганилиги, дунёнинг айрим минтақаларида қуролли түқнашувлар давом этиётганилиги, таҳликали вазият сақланиб қолаётганилиги Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига таҳдиид солмасдан қолмайди, албатта. Буларнинг барчаси олдимиизда пайдо бўлаётган таҳдиид ва хатарларга муносиб зарба бериишга доимо тайёр бўлишини талаб этади¹.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Бугун биз дунё ҳамжамияти тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қилувчи ўта шиддатли ва мураккаб, таҳликали бир замонда яшамоқдамиз. Ҳозирги тараққиёт босқичида бутун инсоният ноанъ-анавий хавф-хатар ва кутилмаган янгича таҳдидларга дуч келмоқда². Бутун дунё олимлари ва журналистлар оммавий ахборот воситаларида биз яшаб турган замонни турлича таърифлашмоқда. Жумладан, кимdir бу даврни юксак технологиялар, инновациялар асри деса, яна кимлардир ахборотлар алмашинуви, тафаккур асри деб аташмоқда. Ушбу фикрларда ҳақиқат бор, албатта, уларнинг ҳар бирида бугунги ҳаётимизнинг серқирра жиҳатлари акс этган. Дунёнинг бир чеккасида бирор ҳодиса содир бўлса, у шу вақтнинг ўзида иккинчи чеккасида акс этишига ва аҳоли ундан огоҳ бўлаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида шундай таъкидлаган эди: «Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чукур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнаки нафақат яқин ва

узок қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораётганилиги, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас»³.

Глобаллашув – бугунги дунё ҳамжамиятининг бекиёс даражада тез ривожланиши, ижтимоий ҳаётнинг тезлашиши демакдир. Глобаллашувнинг салбий ҳамда ижобий томонлари мавжуд бўлиб, ундан эзгулик ва ёвузлик йўлларида фойдаланиш мумкин. Юртимизда тинчлик ва хотиржамликни сақлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибиға адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиной жавобгарлиқдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига асосан, мамлакатимизда диний бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлашга, шунингдек ёшларни террористик, экстремистик ва бошқа бузғунчи ғоялар таъсиридан самарали ҳимоя қилишга юксак эътибор қаратилмоқда. Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Бунинг натижасида биргина 2017 йилда 18

мингдан зиёд содир этган қилмишига пушаймон бўлиб, тинч турмуш тарзига қайтган фуқаролар террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар фаолиятида иштирок этишга мойил бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилди. Уларнинг 10 мингдан зиёдига иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга кўйишда амалий ёрдам кўрсатилди. Террористик, экстремистик ёки бошқа ташкилот ва гуруҳлар таркибида адашиб кириб қолган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаб етиб, тузалиш йўлига ўтган фуқароларга ватанига, оиласи бағрига, тинч ҳаётга қайтиш имконини бериш мақсадида, инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда Республика идоралараро комиссияси тузилган⁴. Фармонга кўра, ушбу комиссия террористик, экстремистик ёки бошқа ташкилот ва гуруҳлар таркибида адашиб кириб қолган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган фуқаролар айнини бўйнига олиш тўғрисида шахсан арз қилиб келса, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва тузалиш йўлига ўтган бўлса, жиноий фаолият ва бошқа ҳуқуққа хилоф қилмишларни фош этишда фаол ёрдам берса, тақиқланган ташкилотнинг гоявий ва маънавий раҳнамоси бўлмаса, жанговар ҳаракатларда ва қўпорувчилик ҳаракатларини содир этишда иштирок этмаган бўлса, террористик, экстремистик фаолиятни амалга ошириш мақсадида тақиқланган ташкилотларда ўқув, махсус ёки ҳарбий тайёргарликдан ўтмаган бўлса, ҳалқаро терроризмни молиялаштиришда иштирок этмаган бўлса, террористик, экстремистик ва бошқа бузғунчи гоялар мавжуд бўлган материалларни адашиб ёки ахборот-коммуникация воситаларида тарқатишга қасд қилмаган ва бундай мақсадни кўзламаган ҳолда сақлаган бўлса, уларнинг қилмишига пушаймонлиги ҳамда айнини бўйнига олиш тўғрисидаги аризасини яшаш жойига кўра Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарига ёхуд Ўзбекистон Республи-

касининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига тақдим этади ва ариза улар томонидан кўриб чиқилгач, ариза берувчи натижага бўйича холосага асосан жиноий жавобгарликдан озод этилади.

2019 йилнинг 30 май куни Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан, 156 нафар ўзбекистонлик аёллар ҳамда болалар Ироқ ва Суриядан олиб келинди⁵. 2019 йилнинг 10 октябрь куни ўзбекистонлик 64 нафар бола Ироқ давлати ҳукумати ва ЮНИСЕФ Ҳалқаро болалар ташкилоти билан ҳамкорликда «Мехр-2» инсонпарварлик амалиёти доирасида юртимизга келтирилди. 39 нафар ўғил ва 25 нафар қиз болалардан 14 нафар 3 ёшгача бўлган ҳамда 2 нафар ота-онасидан айрилган болалар гуманитар амалиёт ишчи гурухи томонидан барча қулайликларга эга соғломлаштириш муассасаларига жойлаштирилди ҳамда уларга тиббий, психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди⁶. Уларга ҳомийлар ва васийлар тайинланди. 2019 йилнинг 10-11 октябрь кунлари Туркманистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида Туркманистон, Ўзбекистон, Озарбайжон, Беларус, Қозогистон, Қирғизистон, Молдова, Россия Федерацияси, Тоҷикистон президентлари ва Арманистон бош вазири, МДХ Ижроия қўмитаси раиси Ижрочи котиби Сергей Лебедев иштирокида МДХ давлатлари ўртасида ҳамдўстлик доирасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ушбу ҳалқаро тузилма фаолиятини такомиллаштириш масалалари мухокама қилинди, минтақавий ва ҳалқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди ҳамда 2020-2022 йилларда терроризм, экстремизм ва зўравонликнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди⁷.

Инсоният ҳаётида ёвузлик билан эзгулик ўртасида доимий кураш бўлиб келган. Мафкуравий гоялар жуда тез суръатда тарқалмоқда ва энг хавфли томони, ёшлар онгидага бўш жойлар қолдими, бу жойни ёвузлика

ундовчи гоялар эгаллаб, ўз таъсирини ўтказмоқда, онги захарланган бу ёшлар экстремизм гоялари таъсирига тушиши натижасида террорчи гурухлар сафларига күшилиб, дунёдаги кўплаб мамлакатларда террорчилик актлари содир этишмоқда, бу эса, аҳолининг тинчлигига таҳдид солмоқда.

Экстремизм ва терроризм ҳозирги замонда энг хавфли ва башорат қилиш қийин бўлган жараён бўлиб, бугунги кунда ҳар хил кўринишга эга ва бу билан хавфли таҳдидга айланмоқда. Террорчилик актлари инсаниятнинг оммавий ҳалокатига олиб келади, кўплаб инсонларга руҳий тазиик ўтказади, шахсий мулкка ва маънавий бойликларга қайта тиклаш имконияти бўлмаган путур етказади, давлатлар ўртасида душманлик ҳолатини туғдириб, урушга олиб келувчи иғволар тарқатади, миллатлар ўртасида тузатиб бўлмайдиган адоват ва бир-бирига ишончсизлик, нафрат уйғотади.

Экстремизм ва терроризм оммавий-сиёсий воқелик бўлиб, бунда жамиятнинг мафкурасини ўзгартириш (денидеологизация) натижасида, жамиятдаги алоҳида гурухлар давлат томонидан белгиланган конун ва фуқаролар ҳақ-хукуқларига ишончсизлик билан қарайди ва ўз мақсадларига етишиш учун террорчиликка ўтишни оқлайдилар. Ҳар хил жинонӣ гурухлар террорчилик, кўрқитиш ва йўқ қилиш, ўзларининг жинонӣ фаолиятларига қулай, яхши шароитлар яратиш учун давлат ҳокимиютига босим ўтказиш мақсадида ҳаракатланадилар. Террорчилик актининг жабрдийдаси ҳар қандай шахс бўлиши мумкин – ҳатто террорчилик акти келиб чиқишига сабаб бўлган зиддиятларга алоқаси бўлмаган шахс ҳам.

Экстремизм ва терроризмнинг сатҳи ва аниқ формуласи бир томондан жамиятнинг маданияти қанчалик юқори эканлигига, иккинчидан, жамият ва давлат томонидан юзага келган долзарб муаммоларни ҳал этиш, терроризмнинг олдини олиш ва профилактика дарражасига боғлиқdir. Афсуски, экстремизм ва терроризм биз билмаган ўзининг ҳаёт тарзи,

мафкураси, маданияти билан фарқ қиласидиган оламни кўркувда ушлаб туришда энг таъсиричан куролга айланди. Сўнгги бир неча йилларда экстремизм ва терроризм жаҳонда глобал муаммо бўлиб қолди ва улар ўсиш тенденциясига эга (80-йилларда 800 та террорчилик актлари қайд қилинган бўлса, 90-йилларда 900 тадан зиёд).

Бугунда террорчилик актлари аввалдан ўйланиб, шафқатсизлик билан, замонавий техникалар, қурол-аслаҳалар ва алоқа воситалиридан фойдаланилган ҳолда содир этишмоқда. Жаҳоннинг турли ўлкаларида сиёсий ва миллатчи кучлар террорчилик усусларини курол қилиб олиб, ўзларининг жинонӣ мақсадларига эришиш учун қурол-аслаҳа ва портловчи моддалар омборларини, таркибий бўлинмаларини, шунингдек молиявий муассасаларини хуфиёна ташкил этадилар. Террорчилик ташкилотлари ўз фаолиятларини яшириш мақсадида, ҳар хил фирмалар, компанииялар, ва фондлар ташкил қилмоқдалар. Бундай ўта хавфли жиноят билан курашишда давлатларнинг ҳаракатларини юқори даражада мувофиқлаштириш ва халқаро ташкилотлар тизимини яратиш зарур бўлмоқда.

Терроризмга қарши кураш самарали бўлиши учун, мазкур жиноятнинг ягона халқаро-хукукий тушунчаси ва хукукий тафсилоти ишлаб чиқилиши лозим.

Терроризмнинг жамиятга хавф солиш даржаси юқорилигини шундан ҳам кузатсан бўладики, жаҳоннинг деярли барча ривожланган давлатлари терроризм ва экстремизмга қарши курашни тартибга солувчи қонунларни қабул қилмоқда. Давлат раҳбарлари учрашувларининг барчасида ушбу муаммо муҳокама қилиниб, биргаликда курашиш режалари тузилган.

Сир эмас, халқаро ҳамжамият ўз бошидан терроризмнинг турли таҳдидлари ва сиқувларини кечирмоқда.

Террорчиларнинг ҳаракат, худуд ва ваҳшийликлар кўлами кенгайиб, кучайиб бормоқда. Уларнинг ахборот алмашиши, тактик ва бир-бирини ҳар томонлама қўллаб-куват-

лаш тизими мукаммаллашиб бормоқда. Шу билан бирга, сиёсий ва жиноий терроризм қўшилиб кетмоқда.

Ана шундай бир даврда, миллий ва халқаро терроризм билан ҳар томонлама самарали кураш олиб бориш учун, бу фаолиятнинг мустаҳкам хуқуқий асосини яратиш зарурати пайдо бўлади.

Дунёнинг бир неча минтақаларида турли таҳдидлар ҳамда хавфлар юзага келәётган, вазият кескинлашиб бораётган бир даврда, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатларнинг ўзаро самарали фаолияти натижаси ўлароқ, Евроосиё ҳудудининг 60 фоизини эгаллаган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти майдонида доимий барқарорлик сақланиб турибди. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти минтақавий аксилтеррор тузилмасининг маълумотига кўра, сўнгги беш йил ичида ваколатли органлар томонидан 600 дан ортиқ террорчилик характеристидаги жиноятлар тайёрланиш жараёнида фош этилган, 500 дан зиёд тайёргарлик базалари йўқ қилинган, халқаро террорчилик ташкилотларига аъзо бўлган икки минг нафардан кўпроқ шахслар кўлга олинган. Мингдан ортиқ қўлбона портловчи ускуналар, ўн мингдан зиёд ўқотар қуроллар, бир миллиондан кўпроқ ўқ-дорилар мусодара этилган. 2016-2017 йилларда террорчилик ва экстремистик мазмундаги тўрт миллиондан ортиқ материал-

ларни ўзида жойлаштирган юз мингдан зиёд интернет ресурслари бартараф қилинган ёки уларга кириш чекланган⁸.

Бу ижтимоий-сиёсий оғатни шунчаки қоралаш билан бартараф этиб бўлмайди. Шу боис, башарият истиқболига таҳдид колаётган терроризмнинг туб моҳиятини ўрганиш, уни юзага келтириб чиқараётган ижтимоий-иктисодий, сиёсий, хуқуқий ва маънавий омилларни чукур тадқиқ этиб аниқлаш, сиёсий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир⁹.

Шу билан бирга, бу йўналишдаги муаммолар, ушбу мақолада билдирилган фикрлар орқали тўлиқ ҳал этилади, деган фикрдан йироқмиз. Агарда, ҳар бир шахс ўз ватанининг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминласа, терроризм, экстремизм ва зўравонликнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш борасида қўшни давлатлар билан ҳамкорликнинг тўлиқ механизми яратилса, ушбу турдаги жиноятларнинг барвакт профилактикаси амалга оширилса, минтақамизда тинчлик алансаси асло ўчмайди.

**Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Академияси «Криминология»
кафедраси ўқитувчиси**

¹Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги. «Халқ сўзи» газетаси 2018 йил, 13 январь, №8.

²Б.А.Матлюбов «Терроризм ва экстремизмга қарши курашиши: муаммо ва ечимлар»., Ўқув қўлланма. Т-2018. 3-б.

³И.А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Маънавият. Тошкент-2010. 111-бет.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Террористик, экстремистик ёки бошақа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар тарқибига адасиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиши тартибини таомиллаштириши тўғрисида»ги 2018 йил 19 сентябрдаги ПФ-5542-сонли Фармони.

⁵«Халқ сўзи» №205. 30.05.2019.

⁶«Халқ сўзи» №211. 11.10.2019.

⁷«Халқ сўзи» №211. 11.10.2019.

⁸«Халқ сўзи» №117. 08.06.2018.

⁹Б.А.Матлюбов «Терроризм ва экстремизмга қарши курашиши: муаммо ва ечимлар»., Ўқув қўлланма. Т-2018. 3-б.

ФУҚАРОНИНГ ЙЎҚОЛГАН ПАСПОРТИНИ ТИКЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги конституциявий мақом ва республикамиз худудида ягоналик хусусиятига эга ҳуқукий институт ҳисобланади. Шу боис, Асосий Қонунимизда фуқароликка оид нормалар инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгиловчи нормалардан олдин жойлаштирилган. Зеро, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланиш, бурчларнинг доираси бевосита фуқаронинг маълум давлатга мансублигидан келиб чиқиб белгиланади.

Жорий йилнинг 13 март куни «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги катта қадам бўлди. Мазкур Қонун фуқаролик институтининг мазмун-моҳиятини, шунингдек соҳадаги қонун ҳужжатларининг очиқлиги ва демократиявийлиги даражасини белгилаб берувчи асосий принципларни ўзида акс эттирган ҳуқукий ҳужжатdir. Қонун билан илгари ҳуқукий базаси мавжуд бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалалари бўйича илтимосномаларни кўриб чиқишни тўхтатиш ва тугатиш тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссия фаолиятининг ҳуқукий асослари, унинг асосий вазифалари ва ваколатлари белгилаб берилди. Бундан

ташқари, ривожланган давлатларнинг қонунчилигига мавжуд бўлган муҳим норма – Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш шарти сифатида давлат тилини мулоқот учун етарли даражада билиш бўйича талаблар ҳамда фуқаролик масалаларини кўриб чиқиша идоралараро электрон ҳамкорлик механизлари киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 мартағи «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти ўрнига 2021 йилдан бошлаб идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизими жорий этилгани бир томондан фуқароларга давлат хизматларини кўрсатишида кўшимча қуликлар яратадиган бўлса, иккинчи томондан, ID-карталарни жорий этиш орқали республика ахолисининг аниқ ҳисобини юритиш имконини беради. Ушбу тизимни такомиллаштириб келгусида ID-картани шахсни тасдиқловчи ягона идентификатор ҳужжат сифатида фойдаланиш ва идоравий тармоқларда сақланувчи шахс ҳақида маълумотлар жамланасидан (ҳайдовчилик ва пенсия гувоҳномаси, тиббиёт ва тўлов карталари, суғурталар, солиқ тизими ва ҳ.к.) калит сифатида фойдаланиш имкониятини

яратиш мақсадга мувофиқ.

Фуқаролик паспорти шахснинг маълум давлатга мансублигини аниқловчи ва унинг шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир. Давлатнинг ваколатли органи томонидан бериладиган ушбу ҳужжат аввало шахснинг фуқаролигини тасдиқлайди, яъни унинг давлат билан доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади. Бинобарин, фуқаролик паспорти Ўзбекистон Республикаси мулкидир ва унинг эгаси Ўзбекистон Республикаси ҳимоясида бўлади.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжудлигини кўрсатувчи бошқа ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади¹. Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти мамлакатимизнинг 16 ёшга тўлган барча фуқароларига, шунингдек фуқаролик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини бериш, алмаштириш ва ундан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу Низом билан ҳар бир паспорт эгасига фуқаро паспортини эҳтиёт қилиб сақлаш мажбурияти юклатилган. Фуқаронинг паспортни йўқотиб қўйгани уни маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон фуқаро-

лари томонидан йўқотилган паспортларни тиклаш амалиётида қатор муаммолар мавжуд.

Биринчидан, йўқотилган паспортни тиклаш учун ортиқча ҳужжатларнинг талаб этилиши вақт ва маблағ сарфланишига олиб келмоқда. Ҳукуқни қўллаш амалиётида паспортини йўқотган фуқародан аризадан ташқари туғилганлик, никоҳ тузилганлик ҳақидаги гувоҳномалар (агар никоҳда бўлса), уй дафтари ёки хонадон карточкаси (шакл-16, 17) талаб этилади. Бундан ташқари, жойларда йўқолган паспортни тиклаш жараёнида қўшимча ҳужжатлар сифатида ҳарбий гувоҳнома ёки мудофаа бўлимидан маълумотнома, ота-онанинг паспорт нусхалари, уларнинг ўлими ҳақидаги гувоҳномалар, никоҳда эмаслиги тўғрисида ФХДЁ органларининг маълумотномалари, маҳаллий матбуотда паспорт йўқолганлиги ҳақида эълон берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар сўралади.

Иккинчидан, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалирида паспорт йўқолгани ҳақидаги иш юритиши тартиби маънавий эскирган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомга мувофиқ, фуқаро паспортини йўқотганида паспорт йўқолганлиги ҳақида ариза берилган кундан бошлаб бир ой ичида янги паспорт берилиши, зарур ҳолларда эса бу муддат ички ишлар органи раҳбарияти томонидан яна бир ойга, истисно тариқасида олти ойгача узайтирилиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларга, айниқса, чет давлатларда таҳсил олаётган ёки ишлаётганларга қийинчилик туғдиради.

Учинчидан, паспортни қасдан яроқизлантириш ёки эҳтиёт қилиб сақламаслик оқибатида йўқотиб қўйганлик учун жавобгарликка тортиш масаласини

қайта кўриб чиқиш тақозо этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 223-моддасининг биринчи қисмида фуқаронинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга турмасдан яшаганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги билан бир қаторда паспортни қасдан яроқизлантириши ёки эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйганлик учун ҳам бир хил – базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисмидан уч бараваригача жарима солишга сабаб бўлиши белгилаб кўйилган. Шунингдек, паспорти йўқолган фуқарога йўқолганлик ҳақида йиғма иш жилд юритилиши жараёнида маъмурий баённома тузилади ва унга жарима миқдори эълон қилинади. Аксарият ҳолларда қоидабузар томонидан белгилangan жарима шу куннинг ўзида тўланади. Аммо айрим ҳолларда йиғмажилдни кўриб чиқиш мобайнида фуқаро томонидан йўқотилган паспорт топиб олинади ва маъмурий баённома бекор қилиниши ҳамда тўланган жарима қайтарилиши талаб этилади. Амалиётда бу каби ҳолатларда қандай йўл тутилиши кераклиги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида акс эттирилмаган.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти фуқароликни тасдиқловчи ягона ҳужжат ҳисобланмайди. Ўн олти ёшга тўлмаган боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам Ўзбекистон

Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатdir. Бироқ, ушбу ҳужжат ФХДЁ органларида давлат рўйхатидан ўтказилади. Ушбу ҳужжатни қасдан яроқизлантириш ёки йўқотиб қўйганлик учун вояга етмаганнинг қонуний вакилига нисбатан жавобгарлик белгиланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда қуйидагилар таклиф этилади:

биринчидан, паспорт йўқолган ҳолларда уни тиклаш механизмини содлаштириш. Бунда паспортни йўқотган фуқаронинг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларига масофавий мурожаат қилишини таъминлаш учун тизимга ахборот технологияларини кенг жорий этиш тақозо этилмоқда.

Бундан ташқари, фуқаролик паспортини тиклаш учун ариза ва қўшимча ҳужжатларни фуқаронинг ўзидан эмас, балки идоралараро электрон ҳужжат алмашинуви тизими орқали олиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, паспортни қасдан яроқизлантириш ёки эҳтиёт қилиб сақламаганлик оқибатида йўқотиб қўйганлик учун маъмурий жавобгарликни бекор қилиш. Ривожланган давлатлар (АҚШ, Германия, Латвия, Озарбайжон, Сингапур, Украина, Чехия ва Қозоғистон)да паспортни йўқотганлик ёки уни яроқиз ҳолга келтирганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмаган. Фуқаролик паспортини тиклаш қўшимча тўловлар орқали амалга оширилади.

**С. ДЖОЛДАСОВА,
юридик фанлар номзоди, доцент**

¹«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон.

ҚАБРНИ ТАХ҆КИРЛАГАН КИМ?

Қишлоқнинг энг чеккасида кўримсизгина уйда яшовчи Шожалил (исм-шарифлар ўзгаририлган) уйланиб, учта фарзандли бўлди. Бироқ, у оталик масъулиятини хис қилмади. Тўрт-беш сўм топганини ароқقا сарфлади. Турмуш ўртоғи Арофат эрининг хурмача қилиқларидан, жанжалларидан тўйиб кетди. Шожалилни ота-онаси ҳам, маҳалладошлари ҳам тўғри йўлга солишолмади. Шундан сўнг Арофат ажрашиш учун судга ариза берди. Кўп ўтмай улар ажраши. Болалар онасида қоладиган бўлди.

Шожалил Арофатнинг юзини кўрмаслик учун укаси Матмусанинг уйига борди. Жигар экан ука ҳам акасини уйига кириди ва унга алоҳида битта хона ажратиб берди. Аёлига акасининг иссиқ-совуғидан хабардор бўлишни тайинлади. Ўзи эса, иши билан овора бўлди.

Шожалилни бу ерда пишагини пишт дейдиган одамнинг ўзи йўқ эди. Шунинг учун у хоҳлаган пайтда уйдан чиқиб кетар, хоҳлаган пайтда кириб келарди. Нимагадир у доим уйдан чиқаётганида хонасини қулфлаб қўядиган одат чиқарди. Бунга ука эътибор бермади. Ака бировларнида ишлаб тириклигини ўтказиб юрди.

Орадан бир йил ўтди. Шожалил тайинли бирор жойда ишламади. Шунинг учун қишлоқдаги одамларнинг уйида мардикорчилик қилди. Кимнидир ғишини қўйди, кимнидир уйини сувоқ қилди. Хуллас, кунини ўтказиш учун бировларнинг эшигига хизмат қилди. Энди у оиласи билан яхши

яшаганини ҳис қила бошлади. Ёлғизликдан қийналди. Айниқса, касал бўлиб ётиб қолганида аёлининг боши атрофида гирдикапалак бўлиб юришларини эслаб кўзига ёш келди. Шундай аёлининг қадрига етмаганига ўқинди. Болаларини соғинди. Аммо, уларни бориб кўришга бети чидамади. Аламини ичкилиқдан олди. Охир оқибатда касал бўлиб қолди. Қишлоқдошларидан Митан шаҳарчасидаги Т. Мамановнинг хусусий шифохонаси яхши эканлигини эшитиб, ўша ерга борди. Дўхтирга дардини айтиб, даволанди.

Орадан ўн беш кун вақт ўтгач, даволаниб уйга қайтди. Укасининг бошига дўппи кийиб олганини кўриб ажабланиб сўради:

– Тинчликми? Кимдир оламдан ўтдими?

– Қишлоғимиздаги Ойсара хола ватфот этди. Бугун уни қабристонга қўйиб келдик. Вақtingиз бўлганида бирров фотиҳага ўтиб қўярсиз, – деди ука бошини эгганича.

Коронғу тушганига қарамай ака дарҳол дўпписисни кийиб, таъзия билдиргани Одилбекникига йўл олди.

Уни дарвозадан Одилбек аканинг ўғли Ўқтамбек кутиб олди.

– Онангни ҳам бериб қўйибсан-да, жиян. Ойсара холам қандай жаннати аёл эди-я. Эссиз. Сенларнинг роҳатингни кўриб юрса бўлмасми? Мени қанчалар яхши кўрарди. Мен ношуд бўлсам унинг тобутини кўтаришга ҳам ярамадим. Таъзиясида ҳам қатнашолмадим. Илоё жойлари жаннатда бўлсин. Бардам бўл, жиян, бандалик экан, – дея ҳиқиллаганича қўли-

ни юзига тортиб фотиха қилди у.

Бироздан сўнг уйга қайтди. Хонасига бекитиб кўйган винони олиб тўйгунича ичди. Кейин ҳовлига чиқди. Укаси, келини ва жиянлари ўз хоналарида эканлигини кўриб атрофга олазарак қаради. Ҳовлида ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, омборхонага кирди. У ерни тит-пит қилиб ер ағдараdigан лопаткани топди. Уни елкасига қўйганича дарвозадан чиқди. Кўчада ҳам ҳеч ким йўқ. Атроф жим-жит эди. У худди ўғридек ён-верига аланглаб «Қулчара» қабристонига йўл олди.

Бу пайтда ой ҳам баркашдек бўлиб ҳаммаёкни ёритиб турарди. У қабристон дарвозасидан ичкарига кирди. Пайпаслай-пайпаслай янги кўмилган қабрни топди. У ёқ бу ёққа аланглади. Атроф жим-жит, кўчада ҳам тиқ этган овоз эшишилмасди. Шундан сўнг у шоша-пиша мозорни кавлай бошлиди. Тупроқ янги бўлгани учун у қабрни қазишга қийналмади. Кейин қабрга тушди. Бир амаллаб аёлнинг кафанини ечди. Мурданинг қўлларини кафандан чиқарди. Ойсара холанинг юзини сийпалади. У бир вақтнинг ўзида ҳам қабрни, ҳам мурдани таҳқирлади.

Бироз вақт ўтгач, Шожалил қабрдан чиқди. Мозорни бекитишни унутди. Лопаткасини елкасига ташлаганича ётоғига қайтиб, винодан ичиб ухлади.

Эртаси куни Одилбек тонгда қариндошлари билан биргаликда марҳума турмуш ўртоғининг қабрини зиёрат қилиш учун боришиди. Қабрнинг очилганини, аёлининг қўллари кафандан ташқарида турганини кўрган эр довдираб қолди. Қариндошлар ҳам ҳайратдан ёқасини ушлашди. Қабрнинг устки қисми доирасимон шаклда очилиб ётар, майитнинг кафани ечилиб қўл ва оёқлари кафанидан чиқариб кетилганди. Одилбек нима қилишини билмасдан, тезда маҳалла оқсоқоли ва муллани чақириб келди. Улар қабр бошига ўтириб Куръон тиловат қилишди. Майитни қабр ичига бошқатдан кафанлаб кўмишди.

Шундан сўнг улар маслаҳатлашиб, бу ҳолат ҳақида туман ички ишлар бўлимига хабар беришди. Одилбекни бундай қабих ишни ким қилган бўлиши мумкинлиги қийнарди. Аслида марҳума аёлининг тилла тиши йўқ эди унинг тишини олиш мақсадида кавлаган деб ўйласа. Унинг бирон киши билан келишмовчилиги ёки қарзи ҳам бўлмаганди. Одилбек ўйлайвериб боши қотди.

Афсуски, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолди. Бу ишни ким қилганлигини ички ишлар бўлими ходимлари ҳам топишолмади.

Орадан бир ой вақт ўтди. Шожалилнинг бу қилмиши фош этилмаганидан сўнг у бундан янада рухланиб, такроран шундай иш қилишга бел боғлади.

Тинибек қишлоғида яшовчи Олломуроднинг турмуш ўртоғи Мухтарам вафот этди. Уни ўша ердаги «Ғойибота» қабристонига қўйиб келишди.

Орадан уч кун ўтгач, Шожалил бир қишлоқдошиникига бориб, ўтинларини майдалаб, тахлаб берди. У меҳнат ҳақи эвазига бир литр вино бериб юборди. Шожалил хурсанд бўлганича винони ётоғига олиб бориб тўйгунича ичди. Кейин тўсатдан яқинда қўшни қишлоқдаги Мухтарам холани вафот этгани ёдига тушди. Омборхонага кириб лопаткани олиб, уни елкасига қўйди-да, «Ғойибота» қабристонига йўл олди. Йўлда иккита бола велосипедда кетаётib унга салом беришиди. Кейин болакайлар қизиқиб ундан қаерга кетаётганини сўрашди.

– Тўла қишлоғида пахса урайпман. Шунга сув керак. Сувни бу томонга буриш учун кетаяпман, – дея болаларни алдади у.

Кейин у «Тинибек» қишлоғи худудидан оқиб ўтган сойдан ўтиб, тепаликда жойлашган «Ғойибота» қабристонига борди. Шожалил қабристон ва унинг атрофи ни кузатиб ҳеч ким йўқлигини кўргач, марҳума Мухтарам холанинг мозорини излаб топди.

У ёк бу ёққа аланглаб қабрни лопатка билан ковлай бошлади. Қабрни тахминан бир метрлар ковлаб мозорни таҳқирлади. Кейин ўша атрофда қўй боқаётган болакайга кўзи тушиб, бу ишни дарҳол тўхтатди. Елласига лопаткасини қўйиб ортига қайтди.

Ўша атрофда қўй боқиб юрган Нурмуҳаммад уч кун олдин дағн этилган қабрни бир метрлар ковланганини кўриб, дарҳол қабристон қоровули ёнига ошиқди. Кўрганларини унга айтиб берди. Улар Олломуроднига боришиб, кўрганларини унга ҳам айтишди. Олломурод дарҳол қабристонга отланди. Марҳума турмуш ўртоғининг мурдаси кўмилган жой кавланганини кўриб ғазабланди. Сўнг ушбу қабристонда эрталабгача қоровуллик қилиб ўтиреди. Бироқ ҳеч ким энди бу қабрга яқинлашмади. Кейин у қоровул билан маслаҳатлашиб бу ҳақда туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилди.

Ички ишлар бўлими ходимлари қаб-

ристон атрофида юрган болакайлардан ўша куни кимлар бу йўлдан ўтганини, қабристонга қандай кишилар келганини суриштиришни бошлашди. Велосипедда кетаётган икки йигитча марҳума аёлнинг қабри ковланган куни қўшни қишлоқда яшовчи Шожалилни лопатка кўтариб қабристон атрофида юрганлигини айтиб беришди.

Шундай қилиб қабрларни кавлаб таҳқирлаётган Шожалил эканлиги маълум бўлди.

Суд Шожалил Тўхтамуродовни 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

**К. ПАНСАТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Иштихон туман
суди раиси,
Хонбиби Ҳиммат қизи МАҲАМОВА,
журналист**

FABVOS ҚУТҚАРГАН ОДАМ

Шоҳ бир неча қайиқларда денгизда мулозимлари билан сайд қилиб юради. Бирданига қўтарилиган тўфон бир қайиқни ағдариб юборди. Ичидаги икки ўстирип сувга гарқ бўла бошлади. Бу ҳол одил шоҳни хавотирга солди. Favvosлардан бирига дарҳол бу ўстириналарни қутқаршини буюрди. Favvos чақонлик билан сувга тушиб кетди. Бирини қутқаргач, дарҳол қайтиб иккинчи сига кетди. Подиоҳ қайиқда буни кўриб, безовта туради. Favvos иккинчи ўстиринни чиқарди. Лекин у ўлганди. Шоҳ гаввосга:

- Эй гаввос! Нега дастлаб узоқдагисини қутқардинг? Ҳолбуки, буниси ўлди, – деди.

Favvos:

- Подиоҳим, ўзим қутқарган шу ёш йигитдан дунёда яхшилик кўрган эдим. Буни қўйиб наригини қутқаршиим керакмиди? – деди.

Подиоҳ бу сўздан жуда мутаассир бўлди ва энди ҳаммага яхшилик қиладиган бўлди.

Шарқ ҳикояси.

ҲИКМАТ

Эй инсон! Қиссадан ҳисса шуки, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам сенга најсом келтирадиган ягона нарса яхшилиkdir. Сен кишиларга қилган яхшилигинг қадар яхши инсонсан. Саодат ва фарогатга яхшилик билан эришасан. Яратган бир оятида: «Яхшилик қилингизки најсом топгайсиз» деб буюрган. Бу билан биз бир-бirimizга доимо яхшилик қилишимиз кераклиги, фақат шу йўл билан фарогатга эришишимиз мумкинлиги айтилган. Шу боисдан ҳам бу оят инсонлик даъвосини қилувчиларга энг катта сабоқ бўлади.

Юсуф Товаслийнинг «Ҳикматлар хазинаси» китобидан